

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

27-сон
(891)
2019 йил
8 июль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

479. «Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 июлдаги ЎРҚ–546-сон Қонуни
480. «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ–547-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

481. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 июлдаги ПФ–5759-сон Фармони
482. «Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақасидаги Жел конини Маҳсулот тақсимотига оид битим шартлари асосида ўзлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июндаги ПҚ–4376-сон қарори [Кўчирма]

483. «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4380-сон қарори
484. «Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4381-сон қарори

Бешинчи бўлим

485. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 1 июлдаги 273-мх-сон «Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1929-1*)
486. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 майдаги 62-сон «Ўзбекистон Республикаси Бюджет ҳисобининг стандарти (12-сонли БХС) «Қурилишга оид шартномалар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3170*)
487. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 12 июндаги 76-сон «Суғурталовчининг муваққат маъмурияти тўғрисидаги низомнинг 17-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2058-1*)
488. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 12 июндаги 75-сон «Қайта суғурта қилиш хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2190-1*)
489. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 13 июндаги 156-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-5*)
490. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 20 июндаги 199-мх-сон «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартиришлар

киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-11*)

491. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 24 июндаги 27-2019-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш), юридик шахсларга хорижий ишчи кучини жалб қилиш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) ва хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалари бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) учун тарифларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1398-1*)
492. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 1 июлдаги 52ҚҚ, 86-сон «Ички ишлар органлари ходимларини терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган деб топиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3171*)
493. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/11-сон «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028-2*)
494. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 18 июндаги 68, 2019-38-сон «Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2185-2*)
495. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/12-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1602-3*)

496. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 22 июндаги 14/17-сон «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1697-5*)
497. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 26 июндаги 79-сон «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016-2*)
498. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/9-сон «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3022-2*)
499. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 22 июндаги 222-В-9, 80, 2019-42-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1165-9*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 29 июндан 5 июлгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

479 Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 18 майда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 21 июнда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси фаолиятини тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳуқуқий мақоми

Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси (бундан буён матнда Ҳисоб палатаси деб юритилади) давлат ташқи аудити ва молиявий назоратининг олий органидир.

Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва давлат тилида ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

4-модда. Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари

Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) лойиҳаси шакллантирилишининг ва унинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворликларига мувофиқлигининг тизимли таҳлилини амалга ошириш;

қабул қилинаётган давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлиги аудитини амалга ошириш;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 2 июлда эълон қилинган.

бюджет тизими бюджетларига ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларга маблағлар тушумларининг тўлиқлигини ўрганиш ҳамда назорат қилиш;

бюджет тизими бюджетларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг даромадларини кўпайтириш захираларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали аниқлаш ҳамда сафарбар қилиш;

бюджет тизими бюджетларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг амалга оширилаётган харажатлари самарадорлиги ҳамда қонунийлигини аудитдан ўтказиш, бу харажатларни барча даражаларда қисқартириш имкониятларини аниқлаш;

бюджет тизими бюджетлари маблағлари ва давлат томонидан маблағ жалб қилиш ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги ҳамда асослилигини баҳолаш;

солиқ, божхона ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, тизимли қоидабузарликлар сабабларини, шунингдек халқаро тажрибани умумлаштириш ҳамда ўрганиш орқали бюджетни режалаштиришнинг замонавий усуллари жорий этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасидаги нисбатнинг мақбуллигини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромадларга оид ваколатлари ҳамда харажатлар бўйича мажбуриятлари чегараланишининг тўғрилигини баҳолаш, уларнинг ўзини ўзи молиявий жиҳатдан етарлича таъминлашига доир таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий давлатларга ва чет давлатлар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикасига ташрифлари (бундан буён матнда олий даражадаги ташрифлар деб юритилади) давомида имзоланган ҳужжатларнинг ҳамда стратегик аҳамиятга молик хўжалик жамиятлари ва корхоналар (бундан буён матнда стратегик корхоналар деб юритилади) иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг пул-кредит ва валюта сиёсатини, Ўзбекистон Республикасининг активлари ҳамда мажбуриятлари ҳолатини, олтин-валюта захираларининг бошқарилишини, шунингдек қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар билан амалга оширилаётган операцияларни ташқи аудитдан ўтказиш.

5-модда. Ҳисоб палатаси фаолиятининг асосий принциплари

Ҳисоб палатаси фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, мустақиллик, холислик, очиқлик ва шаффофликдан иборатдир.

6-модда. Қонунийлик принципи

Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари ўз фаолиятида Ўзбекистон

Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этиши ҳамда уларни бажариши шарт.

Қонун талабларини аниқ бажаришдан ва уларга риоя этишдан ҳар қандай тарзда чекиниш, бунинг сабаблари қандай бўлишидан қатъи назар, қонунийликнинг бузилишидир ва у белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

7-модда. Мустақиллик принципи

Ҳисоб палатаси ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органларидан, бошқа ташкилотлардан ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширади.

Ҳисоб палатаси фаолиятига давлат органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг аралашуви тақиқланади.

Ҳисоб палатаси фаолиятини текшириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан амалга оширилади.

8-модда. Холислик принципи

Ҳисоб палатаси ўз фаолиятини ишларнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш орқали, Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинадиган қарорларга субъектив фикрларнинг таъсир қилишига йўл қўймаган ҳолда амалга ошириши шарт.

9-модда. Очқиклик ва шаффофлик принципи

Ҳисоб палатаси ўз фаолиятини очик ва шаффоф тарзда, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

Ҳисоб палатасининг фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига тақдим этилади ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши шарт.

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг, солиқ ҳамда бюджет сиёсати асосий йўналишларининг лойиҳалари, шунингдек Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот юзасидан Ҳисоб палатасининг ҳулосалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган кундан эътиборан ўн кун ичида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим.

10-модда. Ҳисоб палатасининг бўйсунуви ва ҳисобдорлиги

Ҳисоб палатаси ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди, Президентга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ҳисобдордир.

2-боб. Ҳисоб палатасининг тузилмаси ва таркиби

11-модда. Ҳисоб палатасининг тузилмаси ва таркиби

Ҳисоб палатасининг тузилмаси ва штатларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ҳисоб палатаси Ҳисоб палатасининг раиси, раиснинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарларидан, шунингдек Ҳисоб палатасининг шўъба мудирлари, бош инспекторлари, етакчи инспекторлари, инспекторлари ҳамда ёрдамчи ходимларидан иборат таркибда тузилади.

12-модда. Ҳисоб палатасининг мансабдор шахсларини ва ходимларини лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимидан озод қилиш

Ҳисоб палатасига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган Ҳисоб палатасининг раиси раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳисоб палатаси раисини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги фармонлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланади.

Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади.

Ҳисоб палатасининг шўъба мудирлари, бош инспекторлари, етакчи инспекторлари ва инспекторлари Ҳисоб палатаси раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод қилинади.

Ҳисоб палатасининг ёрдамчи ходимлари Ҳисоб палатаси раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

13-модда. Ҳисоб палатаси раисининг ваколатлари

Ҳисоб палатасининг раиси:

Ҳисоб палатаси ишини ташкил этади ва унинг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Ҳисоб палатасининг фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Президентига Ҳисоб палатасининг фаолияти тўғрисидаги, шу жумладан Давлат бюджетига тушумларнинг тўлиқлиги таъминланишига доир ахборотни тизимли асосда тақдим этади;

Ҳисоб палатасининг ваколатларига кирадиган масалалар бўйича назоратни ташкил этиш тўғрисида фармойиш қабул қилади;

Ҳисоб палатаси томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назоратни ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, уларнинг қўмиталари, комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги депутатлар бирлашмалари мажлисларида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида Ҳисоб палатаси фаолиятига тааллуқли масалаларнинг кўриб чиқишида иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мажлисларида иштирок этиши, кўриб чиқиш учун масалалар киритиши ва кўрилаётган масала юзасидан фикр билдириши мумкин;

чет давлатларнинг тегишли ташқи аудит ва молиявий назорат органлари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг ваколатхоналари билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузади;

Ҳисоб палатасининг мансабдор шахсларини Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига тақдим этади.

14-модда. Ҳисоб палатаси раиси биринчи ўринбосарининг ва ўринбосарларининг ваколатлари

Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари ўз ваколатларини қонун ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Регламентига мувофиқ амалга оширади.

15-модда. Ҳисоб палатаси мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари хизмат мажбуриятларини бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, уларнинг қўмиталари, комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги депутатлар бирлашмалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида, ижро этувчи ҳокимият органлари ҳайъатларининг ва бошқа давлат органларининг мажлисларида Ҳисоб палатаси фаолиятига тааллуқли масалалар кўриб чиқиляётганда ҳозир бўлиш;

қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, назорат объектларининг ҳудудлари ва биноларига монеликсиз кириш, уларнинг ҳужжатлари ҳамда материалларидан фойдаланиш, ҳар қандай ишлаб чиқариш, омборхона, савдо биноларини ва бошқа биноларни кўздан кечириш;

қалбакилаштириш, сохталаштириш, талон-торож қилиш ҳоллари аниқланган тақдирда ҳамда мазкур ғайриқонуний ҳаракатларга чек қўйиш учун зарур ҳужжатлар ва материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда олиб қўйиш, ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш далолатномаларини ва олиб қўйилган ҳужжатларнинг рўйхатини тузиш ҳамда зарурат бўлганда кассани, касса хоналарини ва хизмат хоналарини, омборларни ҳамда архивларни муҳрлаш;

давлат органларининг мансабдор шахсларига сўровлар юбориш;

назорат объектларининг мансабдор шахсларидан назоратни ўтказиш чоғида аниқланган қоидабузарликлар фактлари юзасидан ёзма тушунтиришлар, шунингдек ҳужжатларнинг зарур бўлган тегишли тарзда тасдиқланган кўчирма нусхаларини талаб қилиш ва олиш;

назорат объектларининг молия-хўжалик фаолиятига тааллуқли барча зарур ҳужжатлар, шу жумладан давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган ҳужжатлар билан танишиш;

назорат натижаларини қайд этиш учун техник воситалардан, шу жумладан аудио-, фото- ва видео қайд этиш воситаларидан фойдаланиш;

электрон маълумотлар базаларига оид техник ҳужжатлар билан танишиш;

назорат натижалари бўйича далолатномалар, маълумотномалар ва хулосаларни расмийлаштириш, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш.

Назорат объектларининг раҳбарлари Ҳисоб палатасининг мансабдор шахсларига ишлаш учун зарур шароитлар яратиши шарт.

Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари назорат объектларининг ҳўжалик фаолиятига аралашишга, шунингдек олинган ахборотни Ҳисоб палатаси раиси томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар ошкор этишга ҳақли эмас.

Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари назоратни ўтказиш чоғида ўзига маълум бўлиб қолган давлат сирларини ёки қонун билан қўриқладиган бошқа сирни сақлаши, назоратни холисона ўтказиши ҳамда унинг натижаларини ҳаққоний акс эттириши шарт.

Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари лавозим мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлик юзага келганлиги тўғрисида Ҳисоб палатаси раисига маълум қилиши, шунингдек бундай тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш чораларини кўриши шарт.

Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари ўзи ўтказган назорат натижаларининг холислиги ва ҳаққонийлиги учун қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

16-модда. Ҳисоб палатаси мансабдор шахсларининг фаолиятидаги чекловлар

Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари:

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ҳамда ўзга ташкилотларда бошқа лавозимларни эгаллашга; тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга;

ўз ваколатларини амалга ошириш даврида сиёсий партияга аъзо бўлишга ҳақли эмас.

Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари ўз ваколатлари даврида сиёсий партияга аъзоликни, бундай аъзолик мавжуд бўлган тақдирда, тўхташи шарт.

3-боб. Ҳисоб палатасининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги

17-модда. Ҳисоб палатасининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳамда ахборот алмашиши

Ҳисоб палатаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади

ҳамда ахборот, шу жумладан электрон шаклдаги ахборот алмашишни амалга оширади.

Ҳисоб палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамкорлик тўғрисидаги келишувда белгиланган тартибда бюджет ҳамда смета-штат интизомини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган шахслар ҳақидаги маълумотлар юзасидан ахборот алмашишни амалга оширади.

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар Ҳисоб палатасининг зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилишида унга ўз ваколатлари доирасида ёрдам кўрсатиши шарт.

18-модда. Ҳисоб палатаси қонуний талабларининг бажарилиши мажбурийлиги

Ҳисоб палатасининг қонуний талаблари, шу жумладан қонун ҳужжатларига риоя этиш, ҳужжатларни, назорат материалларини ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, мутахассислар ажратиш, қонун ҳужжатларини бузганлик фактлари бўйича ҳозир бўлиш ва тушунтиришлар бериш тўғрисидаги талаблари барча давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотлар текин тақдим этилади.

19-модда. Ҳисоб палатаси қарорларининг бажарилиши мажбурийлиги

Ҳисоб палатасининг ўзига берилган ваколатлар доирасида қабул қилинган қарорлари давлат органлари ҳамда мулкчилик шаклидан ва бўйсунувидан қатъи назар бошқа ташкилотлар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

4-боб. Ҳисоб палатасининг функциялари

20-модда. Ҳисоб палатасининг Давлат бюджети лойиҳаси шакллантирилишининг ва унинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворликларига мувофиқлигининг тизимли таҳлилини амалга ошириш соҳасидаги функциялари

Ҳисоб палатаси Давлат бюджети лойиҳаси шакллантирилишининг ва унинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворликларига мувофиқлигининг тизимли таҳлилини амалга ошириш соҳасида:

макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ва Давлат бюджети лойиҳасининг олиб борилаётган сиёсатнинг устуворликларига, шунингдек мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қабул қилинган мақсадли комплекс дастурларига мувофиқлигини баҳолашни амалга оширади;

Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалар лойиҳалари шакллантирилишининг тармоқлар ва ҳудудлар кесимларидаги таҳлилини ўтказди;

Давлат бюджети даромадлари кўрсаткичлари прогнозининг холислиги ва асослилигини ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда солиқ салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда баҳолашни амалга оширади;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг, шунингдек навбатдаги йил учун солиқ ва бюджет сиёсати асосий йўналишларининг лойиҳалари бўйича хулосалар беради.

21-модда. Ҳисоб палатасининг қабул қилинаётган давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлиги аудитини амалга ошириш соҳасидаги функциялари

Ҳисоб палатаси қабул қилинаётган давлат дастурларининг ва ҳудудий дастурларнинг молиялаштириш манбалари билан таъминланганлиги аудитини амалга ошириш соҳасида:

қабул қилинаётган давлат дастурлари ва ҳудудий дастурлар молиялаштириш манбалари билан таъминланганлигининг аудитини ўтказди;

давлат дастурлари ва ҳудудий дастурлар доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштириш учун маблағлар ўз вақтида ажратилиши устидан назоратни амалга оширади;

давлат дастурлари ва ҳудудий дастурлар амалга оширилишининг тўлиқлиги ҳамда самарадорлиги устидан назоратни амалга оширади.

22-модда. Ҳисоб палатасининг бюджет тизими бюджетларига ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларга маблағлар тушумларининг тўлиқлигини ўрганиш ҳамда назорат қилиш соҳасидаги функциялари

Ҳисоб палатаси бюджет тизими бюджетларига ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларга маблағлар тушумларининг тўлиқлигини ўрганиш ҳамда назорат қилиш соҳасида:

солиқ ва божхона тўловлари йиғилиши даражасининг солиқ турлари ҳамда ҳудудлар кесимидаги тизимли таҳлилини ўтказди, унинг тармоқлар ва ҳудудлар кесимларида пасайишига таъсир кўрсатган сабаб-оқибат омилларини аниқлайди;

Давлат бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалар бюджетларининг шакллантирилишини назорат қилади ҳамда унинг мониторингини юритади;

солиқ солиш объектлари ва солиқ солинадиган база қамраб олинишининг тўлиқлиги, манзилли йўналишлар ҳамда назорат дастурларининг шакллантирилиши устидан назоратни амалга оширади, шу жумладан солиқ ва бошқа давлат органларининг маълумотлар базасини таҳлил этиш ҳамда мониторинг қилиш асосида назоратни амалга оширади;

давлат мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ҳамда ижарага беришдан олинadиган маблағларнинг бюджет тизими бюд-

жетларига тушумлари билан боғлиқ масалалар юзасидан таҳлил ўтказди ва назоратни амалга оширади;

мулкда давлат улуши бўлган корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини дивидендларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши нуқтаи назаридан назорат қилади.

23-модда. Ҳисоб палатасининг бюджет тизими бюджетларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг даромадларини кўпайтириш захираларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали аниқлаш ҳамда сафарбар қилиш соҳасидаги функциялари

Ҳисоб палатаси бюджет тизими бюджетларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг даромадларини кўпайтириш захираларини замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали аниқлаш ҳамда сафарбар қилиш соҳасида:

давлат органлари ҳамда ўзга ташкилотлар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун фойдаланадиган маълумотлар базасининг ишончилигини баҳолайди;

иқтисодиёт тармоқлари корхоналари фаолиятининг бюджет тизими бюджетларига қўшимча тушумлар захираларини аниқлашга йўналтирилган таҳлилини амалга оширади;

солиқ солиш тизимини, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш асосида бюджет тизими бюджетлари даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш ҳамда уларнинг сафарбар этилишини таъминлаш чораларини кўради;

даромадлар прогнозини сифатли шакллантириш ва бажариш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг тўлиқ йиғилишини ҳамда солиқ тўловчилар тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлашда молия ва давлат солиқ органларининг масъулиятини ошириш ҳамда уларга ҳар томонлама кўмаклашиш чораларини кўради.

24-модда. Ҳисоб палатасининг бюджет тизими бюджетларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг амалга оширилаётган харажатлари самарадорлиги ҳамда қонунийлигини аудитдан ўтказиш, бу харажатларни барча даражаларда қисқартириш имкониятларини аниқлаш соҳасидаги функциялари

Ҳисоб палатаси бюджет тизими бюджетларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг амалга оширилаётган харажатлари самарадорлиги ҳамда қонунийлигини аудитдан ўтказиш, бу харажатларни барча даражаларда қисқартириш имкониятларини аниқлаш соҳасида:

Давлат бюджетининг, давлат мақсадли жамғармалари ва белгиланган

тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалар бюджетларининг харажатлар қисми ижро этилиши юзасидан мониторинг юритади;

бюджет маблағларидан, давлат мақсадли жамғармаларининг ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармаларнинг маблағларидан мақсадли, оқилона ҳамда самарали фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджет ссудалари ва кредит линияларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари томонидан чет эл валютасидаги маблағлардан тўғри ва мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилади;

давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг тўғри қўлланилиши устидан назоратни амалга оширади;

Давлат бюджетининг ижро этилиши ва бюджет тизими бюджетларининг барча даражаларида давлат маблағларининг сарфланиши устидан назоратни амалга оширади ҳамда давлат харажатларини қисқартириш имкониятларини аниқлаш чораларини кўради;

молия органлари, шу жумладан фазначилик бўлинмалари томонидан бюджет тизими бюджетлари маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назорат қилишга доир вазифаларнинг бажарилиши самарадорлигини таҳлил қилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг банк ҳисобварақларидаги маблағлар шакллантирилишининг қонунийлиги, уларнинг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан назоратни амалга оширади;

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ташқи аудитдан ва баҳолашдан ўтказиш, улар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хулосалар тақдим этади.

25-модда. Ҳисоб палатасининг бюджет тизими бюджетлари маблағлари ва давлат томонидан маблағ жалб қилиш ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги ҳамда асослилигини баҳолаш соҳасидаги функциялари

Ҳисоб палатаси бюджет тизими бюджетлари маблағлари ва давлат томонидан маблағ жалб қилиш ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг мақсадга мувофиқлиги ҳамда асослилигини баҳолаш соҳасида:

бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ва давлат томонидан маблағ жалб қилиш ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг шакллантирилиши юзасидан мониторинг ўтказиш ҳамда назорат қилади;

бюджет тизими бюджетларининг маблағлари ва давлат томонидан маблағ жалб қилиш ҳисобидан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг тўлиқ ҳамда самарали бажарилиши устидан назорат қилади.

26-модда. Ҳисоб палатасининг солиқ, божхона ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, тизимли қоидабузарликлар сабабларини, шунингдек халқаро тажрибани умумлаштириш ҳамда ўрганиш орқали бюджетни режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш соҳасидаги функциялари

Ҳисоб палатаси солиқ, божхона ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, тизимли қоидабузарликлар сабабларини, шунингдек халқаро тажрибани умумлаштириш ҳамда ўрганиш орқали бюджетни режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:

зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш жараёнида аниқланадиган бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг турларини ҳисобга олади ва таснифлайди;

назорат тадбирлари натижаларини, шунингдек бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини, бунга олиб келаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таҳлил қилади, бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

солиқ ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини, бунга олиб келаётган сабаблар ҳамда шарт-шароитларни таҳлил қилади, мазкур қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш, шунингдек солиқ ставкаларини ўзгартириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари амалга оширилишининг мониторингини ўтказди ва бюджет жараёнидаги четга чиқишларни аниқлайди;

бюджет жараёнининг ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг халқаро нормалар ҳамда стандартларга мувофиқлигини ўрганади.

27-модда. Ҳисоб палатасининг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасидаги нисбатнинг мақбуллигини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромадларга оид ваколатлари ҳамда харажатлар бўйича мажбуриятлари чегараланишининг тўғрилигини баҳолаш, уларнинг ўзини ўзи молиявий жиҳатдан старлича таъминлашига доир таклифлар ишлаб чиқиш соҳасидаги функциялари

Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасидаги нисбатнинг мақбуллигини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг даромадларга оид ваколатлари ҳамда харажатлар бўйича мажбуриятлари чегараланишининг тўғрилигини баҳо-

лаш, уларнинг ўзини ўзи молиявий жиҳатдан етарлича таъминлашига доир таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг шакллантирилиши ва ижро этилишини, уларнинг мутаносиблигини таҳлил қилади ҳамда улар устидан назоратни амалга оширади;

юқори турувчи ва қуйи турувчи бюджетлар ўртасидаги белгиланган умумдават солиқлари ажратмалари нормативларининг, бюджетлараро ажратиладиган трансфертларнинг асослилигини ўрганади;

юқори турувчи ва қуйи турувчи бюджетлар ўртасидаги харажатлар бўйича мажбуриятларнинг чегараланиши тўғрилигини баҳолайди;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига юклатилган вазифаларни ҳал этишдан келиб чиққан ҳолда барча даражадаги бюджетлар ўртасидаги молиявий ресурслар нисбатини мақбуллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди.

28-модда. Ҳисоб палатасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари, шунингдек олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларнинг ҳамда стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги функциялари

Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари, шунингдек олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларнинг ҳамда стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасида:

олий даражадаги ташрифлар давомида имзолаш учун ҳужжатларнинг асослилигини ҳамда уларни келгусида амалга ошириш имкониятини таҳлил қилган ҳолда бу ҳужжатларни тайёрлашда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларининг, шунингдек олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг маълумотлар базаларини шакллантиради;

олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашади, тегишли тадбирларнинг ўз вақтида ҳамда самарали ижро этилишига тўсқинлик қилаётган омилларни якуний натижаларга эришиш учун уларни ҳал этиш бўйича тезкор чоралар кўрган ҳолда, шу жумладан жойларга чиқиб тезкор чоралар кўрган ҳолда тизимли таҳлил қилади ва аниқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ва топшириқларининг,

шунингдек олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар, стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилиши устидан мониторингни ва доимий назоратни амалга оширади ҳамда уларнинг натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритади;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни ва стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисидаги ахбороти асослилигини бирламчи маълумотлар асосида ўрганади;

олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларнинг рўёбга чиқарилишини чет эллик шериклар ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари билан «телекўприк» ташкил этиш орқали мунтазам равишда муҳокама қилиб боради, уларнинг асослантирилган ҳисоб-китобларга эга бўлган, аниқ ташаббусли инвестиция лойиҳаларини тақдим этиш борасидаги фаолияти самарадорлигини баҳолайди.

29-модда. Ҳисоб палатасининг Ўзбекистон Республикасининг пул-кредит ва валюта сиёсатини, Ўзбекистон Республикасининг активлари ҳамда мажбуриятлари ҳолатини, олтин-валюта захираларининг бошқарилишини, шунингдек қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан амалга оширилаётган операцияларни ташқи аудитдан ўтказиш соҳасидаги функциялари

Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикасининг пул-кредит ва валюта сиёсатини, Ўзбекистон Республикасининг активлари ҳамда мажбуриятлари ҳолатини, олтин-валюта захираларининг бошқарилишини, шунингдек қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан амалга оширилаётган операцияларни ташқи аудитдан ўтказиш соҳасида:

миллий валютани мустаҳкамлаш, унинг харид қобилятини ошириш, пул массасини ва пул агрегатларини мақбуллаштириш ҳамда банкдан ташқари пул айланмасини қисқартириш бўйича чора-тадбирларни таҳлил қилади ва баҳолайди;

банк тизимининг молиявий барқарорлигини ўрганади ва таҳлил қилади;

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг ва тўлов балансининг ҳолатини таҳлил қилади;

ички валюта бозорида валютага бўлган талаб ва таклифни ўрганади, миллий валютанинг айирбошланиши ҳолати устидан назоратни амалга оширади;

давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш ҳажмларини ва мақсадга мувофиқлигини баҳолашни, чет эл кредитлари ҳамда грантлари маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланилиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати остида олинган ташқи кредитларга ўз вақтида хизмат кўрсатилиши устидан назоратни амалга оширади;

олтин-валюта захираларининг қайта тикланиши ва уларга доир операциялар устидан назоратни амалга оширади, ташқи активларни бошқариш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни таҳлил қилади, уларни хорижий банкларга самарали жойлаштириш ва қайта жойлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, олтин-валюта захиралари, шу жумладан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан ўтказиладиган операциялар устидан назоратни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у томонидан ваколат берилган органлар тарафларининг бири сифатида қатнашаётган олтин-валюта захиралари билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш бўйича барча қарорларни келишиб олади;

валюта, экспорт ва импорт операциялари ўтказилишининг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширади;

давлат қарзини самарали бошқариш бўйича мониторинг ўтказиши, уларга ўз вақтида хизмат кўрсатилиши устидан назорат қилади.

5-боб. Ҳисоб палатасининг ваколатлари, назорат шакллари ва турлари

30-модда. Ҳисоб палатасининг ваколатлари

Ҳисоб палатаси:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа давлат органларидан ҳамда ўзга ташкилотлардан ўз ваколатларига кирувчи масалалар бўйича материаллар, маълумотлар ва тушунтиришларни сўраб олади;

ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун реал вақт режимида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шу жумладан банкларнинг маълумотлар базасидан фойдаланади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан давлат маблағларининг банк ҳисобварақларидаги ҳамда ягона ғазна ҳисобварағидаги ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни сўраб олади;

давлат органларини ва уларнинг вакилларини, нодавлат аудиторлик хизматларини ва айрим мутахассисларни назорат ўтказиш учун ўз ваколатлари доирасида жалб этади;

Давлат бюджети даромадлари прогнозининг тўғрилигини баҳолаш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш, солиқларнинг тўлиқ йиғилишини ва солиқ солиш объектларининг тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган назоратга молия, солиқ органларининг ҳамда бошқа давлат органларининг ходимларини жалб этади;

ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан дастлабки ва якуний назоратни амалга оширади;

сиёсий партияларга молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ҳамда бу маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг, шунингдек солиқ ва бюджет сиёсати асосий йўналишларининг лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хулосалар тақдим этади;

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботнинг ташқи аудитини ва уни баҳолашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг банк ҳисобварақларидаги маблағларнинг қонуний шакллантирилганлиги, мақсадли ҳамда самарали сарфланганлиги устидан назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил қилинган бошқа жамғармалар маблағларининг шакллантирилиши ҳамда улардан фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг, унинг таркибий бўлинмалари ва муассасаларининг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

назорат натижалари бўйича кўрсатмалар, тақдимномалар, таҳлилий маълумотлар ва хулосалар киритади;

назорат ўтказиш даврида жиноят аломатларини кўрсатувчи маълумотлар, шу жумладан коррупцияга доир ҳуқуқбузарликлар аломатлари аниқланган тақдирда, тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширади;

назорат натижалари бўйича давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари, шунингдек олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатлар ҳамда стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳалари тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилмаганлиги учун, шу жумладан уларнинг ижроси жараёни тўғрисидаги ахборот «ijgo.gov.uz» ахборот тизими орқали тўлиқ, ҳаққоний тарзда ва ўз вақтида тақдим этилмаганлиги, расмийчиликка ҳамда масалаларни ҳал этиш муддатлари бузилишига йўл қўйилганлиги учун вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг, идораларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарларини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорликни, шу жумладан бюджет ташкилотлари, бюджетдан маблағ олувчилар, бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотларни биргаликда назорат қилишни режалаштириш ва амалга ошириш масалалари бўйича ҳамкорликни ташкил этади;

Ҳисоб палатаси билан олдиндан келишиб олиниши лозим бўлган барча масалалар бўйича хулоса беради;

бюджет ва смета-штат интизомини бузганликда, шунингдек Ҳисоб палатасининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганликда айбдор шахсларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортади;

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат божи тўламасдан судга мурожаат қилишга ҳақли.

31-модда. Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган назоратнинг шакллари ва турлари

Ҳисоб палатаси ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва ваколатлар доирасида дастлабки ҳамда якуний назорат тарзида тафтиш, текшириш (шу жумладан бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аввалги тафтишда ёки текширишда аниқланган бузилишларини бартараф этиш юзасидан назорат тартибида текшириш) ва ўрганиш шаклида назоратни амалга оширади.

Ҳисоб палатаси ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида кўрсатмалар ва тақдимномалар қабул қилади, шунингдек таҳлилий маълумотлар ҳамда хулосалар тайёрлайди.

32-модда. Кўрсатма

Якуний назорат жараёнида назорат объектларининг молия-ҳўжалик фаолиятида ва бошқа фаолиятида давлатга зарар келтираётган ҳамда шу сабабли кечиктирмасдан барҳам бериш талаб этиладиган бузилишлар, шунингдек якуний назорат натижалари бўйича, шу жумладан давлат органлари ва ўзга ташкилотларнинг солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш учун фойдаланиладиган маълумотлар базасининг ҳаққонийлигини текширишдаги бузилишлар аниқланганда Ҳисоб палатаси назорат объектларининг ёки юқори ташкилотнинг раҳбарларига аниқланган камчиликлар ва қоидабузарликларни бартараф этиш, давлатга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўриш учун кўрсатма юборишга ҳақли.

Ҳисоб палатасининг кўрсатмаси Ҳисоб палатаси раиси томонидан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Регламентида белгиланган ҳолларда Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари ёки ўринбосарлари томонидан қабул қилинади.

Ҳисоб палатасининг кўрсатмаси аниқланган камчиликлар ва қонун ҳужжатларининг бузилишлари тўғрисидаги ҳамда уларни бартараф этиш, шунингдек бундай бузилишларнинг юзага келишига имкон берувчи сабаблар ва шароитларни бартараф этиш юзасидан чоралар кўриш ҳақидаги талабларни ўз ичига олиши керак.

Ҳисоб палатасининг кўрсатмаси унда кўрсатилган муддатда ёки агар муддат кўрсатилмаган бўлса, у назорат объектига киритилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида бажарилиши керак. Кўрсатмани бажариш муддати Ҳисоб палатаси раисининг қарори билан яна шу муддатга, лекин бир мартадан ошмаган ҳолда узайтирилиши мумкин. Кўрсатманинг бажарилиши натижалари бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Ҳисоб палатаси

назорат объекти раҳбари ёки унинг юқори турувчи ташкилоти томонидан ёзма шаклда хабардор қилинади.

33-модда. Тақдимнома

Якуний назорат жараёнида Давлат бюджети даромадларининг тасдиқланган прогнози бажарилмаганлиги ва бюджетга тўловлар бўйича солиқ қарздорлиги камаймаганлиги аниқланган тақдирда Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Давлат солиқ қўмитасига ҳамда Давлат божхона қўмитасига, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳудудий молия органларининг, давлат солиқ ва божхона хизмати органларининг раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида тақдимномалар киритишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари ўз вақтида ҳамда сифатли ижро этилмаганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқларини, шунингдек олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларнинг ҳамда стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг ижроси тўғрисидаги ахборот «ijgo.gov.uz» ахборот тизими орқали тўлиқ, ҳаққоний тарзда ва ўз вақтида тақдим этилмаганлиги учун Ҳисоб палатаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга уларнинг ходимларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида тақдимномалар киритишга ҳақли.

Ҳисоб палатасининг тақдимномаси Ҳисоб палатаси раиси ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Регламентида белгиланган ҳолларда Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари ёки ўринбосарлари томонидан қабул қилинади.

Ҳисоб палатасининг тақдимномаси аниқланган камчиликлар ҳақидаги ахборотни ва интизомий жазо чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш, шунингдек бундай камчиликларнинг юзага келишига имкон берувчи сабаблар ва шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги талабни ўз ичига олиши керак.

Ҳисоб палатасининг тақдимномаси киритилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай бажарилиши керак.

Тақдимноманинг бажарилиши натижалари бўйича кўрилган чора-тадбирлар ҳақида Ҳисоб палатаси ёзма шаклда хабардор қилинади.

34-модда. Таҳлилий маълумот

Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириқлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг сўровлари бўйича ўтказилган назорат натижалари юзасидан, шунингдек назорат объектининг муайян соҳасини ва фаолиятини ўрганиш натижалари юзасидан таҳлилий маълумот тайёрланади.

Таҳлилий маълумот Ҳисоб палатаси раиси ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Регламентида белгиланган ҳолларда Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари ёки ўринбосарлари томонидан имзоланади.

Таҳлилий маълумотда ўтказилган ўрганиш ёки таҳлил тўғрисидаги

умумлаштирилган маълумотлар, аниқланган муаммолар, мавжуд тўсиқлар ва камчиликларнинг қисқача тавсифи, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича таклифлар кўрсатилиши керак.

35-модда. Хулоса

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солик ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳалари параметрлари шакллантирилишини таҳлил қилиш натижалари, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ташқи аудитдан ўтказиш ҳамда баҳолаш натижалари, сиёсий партияларга молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ҳамда бу маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат натижалари юзасидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда Ҳисоб палатаси томонидан хулоса тайёрланади.

Хулоса Ҳисоб палатаси раиси ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Регламентида белгиланган ҳолларда Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари ёки ўринбосарлари томонидан имзоланади.

36-модда. Ҳисоб палатасининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш

Ҳисоб палатасининг кўрсатмалари ва тақдимномаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармасликда, маълумотлар базасидан ҳамда ахборотдан фойдаланиш имкониятини бермасликда, била туриб нотўғри ахборотни тақдим этганликда намоён бўладиган тарзда Ҳисоб палатасининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик, шунингдек Ҳисоб палатасининг фаолиятига аралашганлик ва унинг мансабдор шахслари зиммасига юклатилган вазифаларнинг ҳамда функцияларнинг қонуний равишда ижро этилишига тўсқинлик қилиш мақсадида бирор-бир шаклда таъсир кўрсатганлик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

6-боб. Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил этиш

37-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Регламенти

Ҳисоб палатасининг фаолияти масалалари, Ҳисоб палатаси мансабдор шахслари ўртасида мажбуриятларнинг ички тақсимланиши, ишларни юриштиш тартиби Ҳисоб палатаси раиси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг Регламентида белгиланади.

38-модда. Ҳисоб палатасининг ишини режалаштириш

Ҳисоб палатаси ўз фаолиятини Ҳисоб палатаси ваколатларига кирувчи масалалар устидан таъсирчан тизимли назоратни таъминлаш заруриятидан келиб чиққан ҳолда шакллантириладиган назорат ишларининг йиллик дастури асосида ташкил этади. Назорат ишларининг йиллик дастури Ҳисоб палатаси раиси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари ва топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг сўровлари асосида ўтказиладиган назорат тадбирлари Ҳисоб палатаси назорат ишларининг йиллик дастурига киритилиши шарт.

Ҳисоб палатаси назорат ишларининг йиллик дастури ижросини ташкил этиш Ҳисоб палатасининг фармойиши асосида амалга оширилади, бунда Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари орасидан ҳар бир назорат тадбирини ташкил этиш учун масъуллар тайинланади.

39-модда. Ҳисоб палатасининг стандартлари

Ҳисоб палатасининг стандартлари Ҳисоб палатаси фаолиятини ташкил этиш стандартларидан, шунингдек Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган ташқи аудит ва молиявий назорат стандартларидан иборатдир.

Ҳисоб палатаси фаолиятини ташкил этиш стандартлари, шунингдек Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган ташқи аудит ва молиявий назорат стандартлари Ҳисоб палатаси томонидан ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқланади.

Ҳисоб палатаси фаолиятини ташкил этиш стандартлари Ҳисоб палатасида услубий таъминлашни, ишларни режалаштиришни, ҳисоботлар тайёрлашни, бошқа давлат органлари ва ўзга ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни ҳамда Ҳисоб палатасининг бошқа ички фаолият турларини ташкил этиш ва амалга ошириш хусусиятлари, қоидалари ҳамда тартиб-таомилларини белгилайди.

Ҳисоб палатаси томонидан амалга ошириладиган ташқи аудит ва молиявий назорат стандартлари назорат фаолиятининг умумий талаблари, хусусиятлари, қоидалари ҳамда тартиб-таомилларини белгилайди.

7-боб. Ҳисоб палатасининг мансабдор шахсларини ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш

40-модда. Ҳисоб палатасининг мансабдор шахсларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кафолатлари

Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари давлат ҳимоясида бўлади.

Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари ўз мажбуриятларини бажариш чоғида фақат бевосита ёки тўғридан-тўғри раҳбарга бўйсунди.

Бевосита қонун билан ваколат берилган шахслардан ташқари ҳеч ким Ҳисоб палатаси мансабдор шахсларининг қонуний фаолиятига аралашиш, шунингдек Ҳисоб палатасининг мансабдор шахсларини Ҳисоб палатаси зиммасига қонун билан юклатилмаган вазифаларни бажаришга мажбурлаш ҳуқуқига эга эмас.

41-модда. Ҳисоб палатаси мансабдор шахсларининг дахлсизлиги кафолатлари

Ҳисоб палатасининг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Ҳисоб палатасининг мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка тортиш масаласи Ҳисоб палатасининг раиси томонидан ҳал этилади.

42-модда. Ҳисоб палатасининг мансабдор шахсларини моддий ва ижтимоий жиҳатдан таъминлаш

Ҳисоб палатасининг раиси мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий хизмат ва транспорт таъминоти шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисига, Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосарига, Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарига, Ҳисоб палатасининг масъул ходимлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли ходимларига тенглаштирилади.

Ҳисоб палатасининг мансабдор шахсларига лавозим маошига нисбатан алоҳида меҳнат шароитлари ва узоқ муддатли узлуксиз иш стажига учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамда миқдорларда коэффициентлар қўлланилган ҳолда ҳар ойлик устамалар тўланади.

Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари учун аввалги иш жойида берилган узоқ муддатли хизматлари, ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба даражалари, малака даражалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) учун устама ва қўшимча тўловлар сақланиб қолади.

Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари аввалги иш жойи бўйича ходимлар учун белгиланган барча имтиёزلардан, моддий ва ижтимоий ҳимоя чораларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида амалда бўлган меҳнат шароитларини ҳисобга олган ҳамда лавозим маоши ва бошқа тўловлар миқдори сақланган ҳолда фойдаланади.

Ҳисоб палатасида ишланган давр ҳарбий ва махсус унвонларни бериш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади.

Ҳисоб палатасида ишлаш даврида ҳарбий ва махсус унвонларни бериш аввалги иш жойи бўйича назарда тутилган тартибда тегишли ҳарбий ва махсус унвонларни бериш учун зарур бўлган муддатлар ўтгандан сўнг амалга оширилади.

Меҳнат фаолиятида юқори натижаларга эришганлиги, мажбуриятларини намунали бажарганлиги, шунингдек бошқа алоҳида хизматлари учун Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига тақдим этилиши мумкин.

43-модда. Ҳисоб палатасининг мансабдор шахсларини уй-жой билан таъминлаш

Ҳисоб палатасининг мансабдор шахсларига уй-жой ижараси учун пуллик компенсация тўланади.

Ҳисоб палатасининг мансабдор шахсларига имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда уй-жой олиш ҳуқуқи берилади.

44-модда. Ҳисоб палатасининг мансабдор шахсларини иш билан таъминлаш кафолатлари

Ҳисоб палатасининг мансабдор шахсларига уларнинг меҳнат фаолияти тугаганидан сўнг, улар Ҳисоб палатасига қабул қилингунига қадар эгаллаган аввалги иши (лавозими), у мавжуд бўлмаган тақдирда эса, унга тенг бўлган бошқа иш (лавозим) уларнинг давлат органларидаги ва бошқа ташкилотлардаги мутахассислиги ҳисобга олинган ҳолда берилади, бундан мансабдор шахснинг малакаси етишмаслиги ёки соғлиги ҳолати туфайли бажариладиган ишга нолойиқлиги ёхуд мансабдор шахснинг ўз меҳнат мажбуриятларини бузганлиги учун меҳнат фаолияти тугатилган ҳоллар мустасно.

8-боб. Якунловчи қоидалар**45-модда. Ҳисоб палатасининг молиявий ва моддий-техника таъминоти**

Ҳисоб палатаси фаолиятининг молиявий ва моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Молия-ҳўжалик департаменти томонидан амалга оширилади.

46-модда. Халқаро ҳамкорлик

Ҳисоб палатасининг чет давлатларнинг ташқи аудит ва молиявий назорат органлари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг ваколатхоналари билан ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

47-модда. Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

48-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

49-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

50-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун 2020 йил 1 январдан эътиборан кучга кириди.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 июль,
ЎРҚ-546-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**480 Шахсга доир маълумотлар тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 16 апрелда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 21 июнда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади шахсга доир маълумотлар соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг амал қилиши шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ва уларни ҳимоя қилиш чоғида қўлланиладиган ишлов бериш воситаларидан, шу жумладан ахборот технологияларидан қатъи назар юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 3 июлда эълон қилинган.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

жисмоний шахс томонидан шахсга доир маълумотларга шахсий, маиший мақсадларда ва ўз касбий ёки тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлов бериш;

Миллий архив фонди ҳужжатларини ва шахсга доир маълумотларни ўз ичига олган бошқа архив ҳужжатларини шакллантириш, сақлаш ва улардан фойдаланиш;

давлат сирларини ташкил этадиган маълумотлар жумласига киритилган шахсга доир маълумотларга ишлов бериш;

тезкор-кидирув, разведка ва контрразведка фаолияти, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш жараёнида, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш доирасида олинган шахсга доир маълумотларга ишлов бериш чоғида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

шахсга доир маълумотлар — муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзда, қоғозда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган ахборот;

шахсга доир маълумотлар субъекти (субъект) — шахсга доир маълумотлар ўзига тааллуқли бўлган жисмоний шахс;

шахсга доир маълумотлар базаси — таркибида шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган ахборот тизими тарзидаги маълумотлар базаси;

шахсга доир маълумотларга ишлов бериш — шахсга доир маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш бўйича бир ҳаракатни ёки ҳаракатлар мажмуини амалга ошириш;

шахсга доир маълумотлар базасининг оператори (оператор) — шахсга доир маълумотларга ишлов беришни амалга оширувчи давлат органи, жисмоний ва (ёки) юридик шахс;

шахсга доир маълумотлар базасининг мулкдори (мулкдор) — шахсга доир маълумотлар базасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органи, жисмоний ва (ёки) юридик шахс;

учинчи шахс — субъект, мулкдор ва (ёки) оператор бўлмаган, аммо шахсга доир маълумотларга ишлов бериш бўйича ҳолатлар ёки муносабатлар орқали улар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай шахс.

5-модда. Ушбу Қонуннинг асосий принциплари

Ушбу Қонуннинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш; шахсга доир маълумотларга ишлов бериш мақсадлари ва усулларининг қонунийлиги;

шахсга доир маълумотларнинг аниқлиги ва ишончилиги;

шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги ва ҳимоя қилинганлиги; субъектлар, мулкдорлар ва операторлар ҳуқуқларининг тенглиги; шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлиги.

2-боб. Шахсга доир маълумотлар соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

6-модда. Шахсга доир маълумотлар соҳасини давлат томонидан тартибга солишни амалга оширувчи органлар

Шахсга доир маълумотлар соҳасини давлат томонидан тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва шахсга доир маълумотлар соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шахсга доир маълумотлар соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

шахсга доир маълумотлар соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

шахсга доир маълумотлар соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди;

Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрини юритиш тартибини белгилайди;

шахсга доир маълумотлар базаларини Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш тартибини тасдиқлайди;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шахсга доир маълумотлар соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси шахсга доир маълумотлар соҳасидаги ваколатли давлат органи томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан:

шахсга доир маълумотларга ишлов берилаётганда ушбу маълумотларнинг хавфсизлигига бўлган таҳдидларга қараб, уларнинг ҳимоя қилинганлик даражасини;

шахсга доир маълумотлар ҳимоясини таъминлашга оид бўлган, бажарилиши шахсга доир маълумотларга ишлов бериш чоғида уларнинг белгиланган ҳимоя қилинганлик даражасини таъминлайдиган талабларни;

биометрик ва генетик маълумотлар мавжуд бўлган моддий жисмларга ҳамда бундай маълумотларни шахсга доир маълумотлардан ташқарида сақлаш технологияларига оид талабларни белгилайди.

8-модда. Шахсга доир маълумотлар соҳасидаги ваколатли давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази шахсга доир маълумотлар соҳасидаги ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади).

Ваколатли давлат органи:

шахсга доир маълумотлар соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади; шахсга доир маълумотлар соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

Шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг намунавий тартибини тасдиқлайди;

Мулкдорнинг ва (ёки) операторнинг шахсга доир маълумотларга ишлов берилишини ҳамда уларнинг ҳимоя қилинишини таъминловчи тузилмавий бўлини маси ёки ваколатли шахси фаолиятини ташкил этишнинг намунавий тартибини тасдиқлайди;

Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрини юритади;

шахсга доир маълумотлар базаси Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради;

шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан ўз ваколатлари доирасида давлат назоратини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига шахсга доир маълумотлар соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ваколатли давлат органларига уларнинг фаолияти соҳасига нисбатан қўлланиладиган белгиланган маълумотларни юборади;

шахсга доир маълумотларнинг зарур ҳимоя қилинганлик даражасини белгилайди;

ишлов бериладиган шахсга доир маълумотларнинг ҳажми ва мазмунини, фаолият турини, шахсга доир маълумотлар хавфсизлигига бўлган таҳдидларнинг ҳақиқийлигини таҳлил қилади;

шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишларини бартараф қилиш ҳақида юридик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;

чет давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотлар билан шахсга доир маълумотлар соҳасида ҳамкорликни амалга оширади.

3-боб. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш

9-модда. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш иштирокчилари

Субъект ва оператор шахсга доир маълумотларга ишлов бериш иштирокчиларидир. Субъектнинг қонуний вакили, мулкдор ва учинчи шахслар ҳам шахсга доир маълумотларга ишлов бериш иштирокчилари сифатида иш юритиши мумкин.

10-модда. Шахсга доир маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш ва сақлаш

Шахсга доир маълумотлар базаси мулкдор ва (ёки) оператор, шунингдек учинчи шахс томонидан амалга ошириладиган вазифаларни бажариш

учун зарур ҳамда етарли бўлган шахсга доир маълумотларни йиғиш йўли билан шакллантирилади.

Шахсга доир маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш тартиби ва принциплари мулкдор ва (ёки) оператор томонидан мустақил равишда белгиланади. Шахсга доир маълумотларни сақлаш шахсга доир маълумотларни йиғиш чоғида илгари билдирилган мақсадлар талаб этадиган даражада субъектнинг идентификация қилиш имконини берадиган шаклда амалга оширилади.

Шахсга доир маълумотларни сақлаш муддати уларни йиғиш ва уларга ишлов бериш мақсадига эришиш санаси билан белгиланади.

11-модда. Шахсга доир маълумотларни ўзгартириш ва тўлдириш

Шахсга доир маълумотларни ўзгартириш ва тўлдириш субъектнинг мурожаати асосида, ушбу мурожаат берилган пайдан эътиборан уч кунлик муддатдан кечиктирмай мулкдор ва (ёки) оператор томонидан амалга оширилади.

Ҳақиқатга тўғри келмайдиган шахсга доир маълумотларни ўзгартириш ва тўлдириш бундай номувофиқлик аниқланган пайдан эътиборан дарҳол амалга оширилади.

12-модда. Шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш

Мулкдорнинг, операторнинг ва учинчи шахснинг фаолияти мақсадларини амалга оширишга қаратилган шахсга доир маълумотлар билан ҳаракатлар шахсга доир маълумотлардан фойдаланишдир.

Мулкдор, оператор ва учинчи шахс томонидан шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш бу маълумотларнинг зарур даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш шарти билан фақат ушбу шахсга доир маълумотларни йиғиш бўйича илгари билдирилган мақсадлар учун амалга оширилади.

Мулкдор ва (ёки) операторнинг, шунингдек учинчи шахснинг шахсга доир маълумотларга ишлов бериш билан боғлиқ бўлган ходимлари томонидан шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш фақат уларнинг ўз касбий, хизмат ёки меҳнат мажбуриятларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Мулкдор ва (ёки) операторнинг, шунингдек учинчи шахснинг шахсга доир маълумотларга ишлов бериш билан боғлиқ бўлган ходимлари ўзига ишониб топширилган ёки касбий, хизмат ёхуд меҳнат мажбуриятларини бажариши сабабли маълум бўлиб қолган шахсга доир маълумотларнинг ошкор этилишига йўл қўймаслиги шарт.

13-модда. Шахсга доир маълумотларни бериш

Шахсга доир маълумотларни муайян шахсга ошкор этишга қаратилган ҳаракатлар шахсга доир маълумотларни бериш ҳисобланади.

Шахсга доир маълумотларни давлат бошқаруви органларига бериш бепул асосда амалга оширилади.

Субъект ўзининг шахсга доир маълумотларини беришни рад қилган тақдирда, ўзининг рад қилиши сабабларини кўрсатмаслик ҳуқуқига эга.

14-модда. Шахсга доир маълумотларни тарқатиш

Шахсга доир маълумотларни номуайян доирадаги шахсларга ошкор этишга, шу жумладан шахсга доир маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ҳаммага маълум қилишга, Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштиришга ёки шахсга доир маълумотлардан бирор-бир бошқа усул билан фойдаланиш имконини беришга қаратилган ҳаракатлар шахсга доир маълумотларни тарқатишдир.

Шахсга доир маълумотларни йиғишнинг илгари билдирилган мақсадларидан четга чиқилган ҳолларда, ушбу маълумотларни тарқатиш субъектининг розилиги билан амалга оширилади.

15-модда. Шахсга доир маълумотларни трансчегаравий узатиш

Шахсга доир маълумотларни мулкдор ва (ёки) оператор томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига узатиш шахсга доир маълумотларни трансчегаравий узатишдир.

Шахсга доир маълумотларни трансчегаравий узатиш шахсга доир маълумотлар субъектларининг ҳуқуқлари бир хилда ҳимоя қилинишини таъминловчи чет давлатлар ҳудудига амалга оширилади.

Шахсга доир маълумотларнинг бир хилда ҳимоя қилинишини таъминламайдиган чет давлатлар ҳудудига шахсга доир маълумотларни трансчегаравий узатиш қўидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

субъектнинг ўз шахсга доир маълумотларини трансчегаравий узатиш бўйича розилиги мавжуд бўлганда;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, аҳолининг соғлиғи ва маънавиятини муҳофаза қилиш зарур бўлганда;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда.

Шахсга доир маълумотларни трансчегаравий узатиш Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузumi асосларини, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг маънавиятини, соғлиғини, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат муҳофаасини ҳамда давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тақиқланиши ёки чекланиши мумкин.

16-модда. Шахсга доир маълумотларни эгасизлантириш

Амалга оширилиши натижасида шахсга доир маълумотларнинг муайян субъектга тегишлилигини аниқлаш имкони бўлмаётган ҳаракатлар шахсга доир маълумотларни эгасизлантиришдир.

Тарихий, статистик, социологик, илмий тадқиқотлар ўтказиш учун шахсга доир маълумотларга ишлов берилаётганда мулкдор ва оператор, шунингдек учинчи шахс бу маълумотларни эгасизлантириши шарт.

17-модда. Шахсга доир маълумотларни йўқ қилиш

Амалга оширилиши натижасида шахсга доир маълумотларни тиклаш

имкони бўлмай қоладиган ҳаракатлар шахсга доир маълумотларни йўқ қилишдир.

Шахсга доир маълумотлар мулкдор ва (ёки) оператор, шунингдек учинчи шахс томонидан қуйидаги ҳолларда йўқ қилиниши лозим:

шахсга доир маълумотларга ишлов бериш мақсадига эришилганда;

субъектнинг шахсга доир маълумотларга ишлов бериш учун берилган розилиги чақириб олинганда;

шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг субъект берган розилик билан белгиланган муддати ўтганда;

суднинг қарори қонуний кучга кирганда.

4-боб. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш тартиби

18-модда. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш шартлари

Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ушбу Қонуннинг асосий принципларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

субъект бу маълумотларга ишлов беришга розилик берганда;

субъект тараф бўлган шартномани бажариш учун бу маълумотларга ишлов бериш ёки шундай шартнома тузилгунига қадар субъектнинг сўровига биноан чоралар кўриш зарур бўлганда;

мулкдор ва (ёки) операторнинг қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларини бажариш учун бу маълумотларга ишлов бериш зарур бўлганда;

субъектнинг ёки бошқа шахснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун бу маълумотларга ишлов бериш зарур бўлганда;

мулкдор ва (ёки) операторнинг ёки учинчи шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун ёхуд шахсга доир маълумотлар субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилмаслиги шарти билан ижтимоий аҳамиятга молик мақсадларга эришиш учун бу маълумотларга ишлов бериш зарур бўлганда;

шахсга доир маълумотларга уларни мажбурий равишда эгасизлантириш шарти билан статистик ёки бошқа тадқиқот мақсадларида ишлов берилганда;

агар бу маълумотлар ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган манбалардан олинган бўлса.

Субъектнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида шахсга доир маълумотларга ишлов бериш зарур бўлган тақдирда, бу маълумотларга ишлов беришга розилик олиш мумкин бўлган пайтга қадар субъектнинг розилигисиз йўл қўйилади.

19-модда. Шахсга доир маълумотларга ишлов беришга оид талаблар

Шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг мақсадлари мулкдор ва (ёки) операторнинг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳуж-

жатлар, низомлар, таъсис ҳужжатлари ёки бошқа ҳужжатлар билан белгиланади ҳамда ушбу Қонунга мувофиқ бўлиши керак.

Шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг мақсадлари уларни йиғиш чоғида илгари билдирилган мақсадларга, шунингдек мулкдорнинг ва (ёки) операторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига мувофиқ бўлиши керак.

Шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг мақсади ўзгарган тақдирда, мулкдор ва (ёки) оператор субъектнинг ўз маълумотларига ўзгарган мақсадга мувофиқ ишлов берилиши учун розилигини олиши керак.

Шахсга доир маълумотлар аниқ ва ишончли бўлиши, зарур бўлган тақдирда эса ўзгартирилиши ва тўлдирилиши керак.

Шахсга доир маълумотлар базасига киритилиши мумкин бўлган шахсга доир маълумотларнинг ҳажми субъект томонидан ушбу Қонунга мувофиқ белгиланади. Ишлов бериладиган шахсга доир маълумотларнинг ҳажми ва хусусияти уларга ишлов бериш мақсадлари ва усулларига мувофиқ бўлиши керак.

Шахсга доир маълумотларга субъектни идентификация қилишга йўл қўйиладиган шаклда ёки эгасизлантирилган тарзда ишлов берилади.

Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш муддати субъектнинг ўз шахсга доир маълумотларига ишлов беришга розилиги амал қиладиган муддатдан ошиб кетмаслиги керак.

20-модда. Шахсга доир маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби

Шахсга доир маълумотлар базалари Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Шахсга доир маълумотлар базасини рўйхатдан ўтказиш ариза бериш принципи орқали хабардор қилиш йўли билан амалга оширилади. Шахсга доир маълумотлар базасини Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги ариза ваколатли давлат органига берилади.

Ўз таркибида:

жамоат бирлашмасининг ёки диний ташкилотнинг иштирокчиларига (аъзоларига) тааллуқли бўлган ҳамда тегишинча жамоат бирлашмаси ёки диний ташкилот томонидан ишлов бериладиган шахсга доир маълумотлар, уларни учинчи шахсларга тарқатмаслик ёки ошкор этмаслик шарти билан;

субъект томонидан ҳамма фойдаланиши мумкин қилиб қўйилган;

субъектларнинг фақат фамилиясини, исмини ва отасининг исмини ўз ичига олган;

субъектнинг мулкдор ва (ёки) оператор турган ҳудудга бир марталик кириши учун ёки бошқа шунга ўхшаш мақсадлар учун зарур бўлган;

автоматлаштирилган давлат ахборот тизимлари мақомига эга бўлган шахсга доир маълумотларнинг ахборот тизимларига киритилган;

автоматлаштириш воситаларидан фойдаланмаган ҳолда ишлов бериладиган;

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлов бериладиган шахсга доир маълумотлар мавжуд бўлган шахсга доир маълумотлар базалари рўйхатдан ўтказилмайди.

Мулкдор ва (ёки) оператор тегишли шахсга доир маълумотлар базасини рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган маълумотларнинг ҳар бир ўзгариши тўғрисида ваколатли давлат органини бундай ўзгариш юзага келган кундан эътиборан ўн календарь кундан кечиктирмай хабардор қилиши шарт.

21-модда. Шахсга доир маълумотларга ишлов беришга розилик бериш ва розиликни чақириб олиш тартиби

Субъект шахсга доир маълумотларга ишлов бериш учун розиликни унинг олинганлиги фактини тасдиқлаш имконини берувчи ҳар қандай шаклда беради.

Шахсга доир махсус маълумотларга ишлов бериш учун субъектнинг ёзма шаклдаги, шу жумладан электрон ҳужжат тарзидаги розилиги талаб этилади.

Субъект муомалага лаёқатсиз бўлган ёки унинг муомала лаёқати чекланган тақдирда, унинг қонуний вакили субъектнинг шахсга доир маълумотларига ишлов бериш учун ёзма равишда, шу жумладан электрон ҳужжат тарзида розилик беради.

Вояга етмаган субъектларнинг шахсга доир маълумотларига ишлов бериш учун уларнинг ота-оналари (васийлари, ҳомийлари), улар йўқлигида эса васийлик ва ҳомийлик органлари ёзма шаклда, шу жумладан электрон ҳужжат тарзида розилик беради.

Субъект вафот этган тақдирда, унинг шахсга доир маълумотларига ишлов бериш учун розиликни, агар субъект ҳаётлиги чоғида бундай розиликни бермаган бўлса, унинг меросхўрлари ёзма шаклда, шу жумладан электрон ҳужжат тарзида беради.

Суд томонидан вафот этган деб эълон қилинган, бедарак йўқолган деб топилган субъектнинг шахсга доир маълумотларига ишлов бериш унинг меросхўрларининг ёзма шаклда, шу жумладан электрон ҳужжат тарзида берилган розилигига кўра амалга оширилади.

Субъект шахсга доир маълумотларга ишлов бериш учун берилган розиликни ушбу розилик қандай шаклда берилган бўлса, шундай шаклда ёхуд ёзма шаклда, шу жумладан электрон ҳужжат тарзида чақириб олади.

22-модда. Шахсга доир маълумотларга ишлов беришга тааллуқли ахборотни тақдим этиш тартиби

Субъект ўзининг шахсга доир маълумотларига ишлов беришга тааллуқли бўлган, қуйидагилар кўрсатилган ахборотни олиш ҳуқуқига эга:

шахсга доир маълумотларга ишлов берилганлиги фактининг тасдиғи;

шахсга доир маълумотларга ишлов бериш асослари ва мақсадлари;

шахсга доир маълумотларга ишлов беришда қўлланиладиган усуллар;

мулкдорнинг ва (ёки) операторнинг номи ҳамда уларнинг (унинг) жойлашган ери (почта манзили), шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлган ёхуд мулкдор ва (ёки) оператор билан тузилган шартнома асосида ёки қонун асосида шахсга доир маълумотлар ўзига ошкор қилиниши мумкин бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар;

тегишли субъектга тааллуқли бўлган, ишлов бериладиган шахсга доир

маълумотларнинг таркиби, уларни олиш манбаи, агар ушбу Қонунда бундай маълумотларни тақдим этишнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса; шахсга доир маълумотларга ишлов бериш муддатлари, шу жумладан уларни сақлаш муддатлари;

ушбу Қонуннинг 30-моддасида назарда тутилган ҳуқуқларнинг субъект томонидан амалга оширилиш тартиби;

шахсга доир маълумотларнинг амалга оширилган ёки мўлжалланилаётган трансчегаравий узатилиши тўғрисидаги ахборот.

Субъектга ўзининг шахсга доир маълумотларини тақдим этиш бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган ҳолларда, субъектнинг ўз шахсга доир маълумотларига ишлов берилишига тааллуқли ахборотни олишга бўлган ҳуқуқи чекланиши мумкин.

Субъектнинг шахсга доир маълумотларига ишлов беришга тааллуқли ахборотни учинчи шахсга тақдим этиш тартиби субъектнинг шахсга доир маълумотларга ишлов бериш учун розилиги шартларига кўра белгиланади.

Мулкдор ва (ёки) оператор қуйидаги ҳолларда субъектга унинг шахсга доир маълумотларига ишлов беришга тааллуқли ахборотни тақдим этиш мажбуриятидан озод этилади, агар:

субъект ўзининг шахсга доир маълумотларига ишлов беришни амалга ошириш тўғрисида илгари хабардор қилинган бўлса;

шахсга доир маълумотлар субъект томонидан ҳамма фойдалана оладиган қилинган бўлса ёки ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган манбадан олинган бўлса;

бундай ахборотнинг берилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келадиган бўлса.

Шахсга доир маълумотларга ишлов беришга тааллуқли ахборотни тақдим этишни рад қилиш тўғрисидаги хабарнома сўров берган субъектга ўн кун ичида ёзма шаклда юборилади.

Шахсга доир маълумотларга ишлов беришга тааллуқли ахборотни тақдим этишни рад қилиш тўғрисидаги қарор устидан субъект ваколатли давлат органига ёки судга шикоят қилиши мумкин.

23-модда. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш чоғидаги ҳаракатлар тўғрисида хабардор қилиш

Субъект ўзининг шахсга доир маълумотлари шахсга доир маълумотлар базасига киритилаётганда шахсга доир маълумотларга ишлов бериш мақсадлари, ушбу Қонуннинг 30-моддасида белгиланган ўз ҳуқуқлари ҳақида ёзма шаклда хабардор қилиниши керак.

Шахсга доир маълумотлар учинчи шахсга берилган тақдирда, мулкдор ва (ёки) оператор бу ҳақда субъектни уч кун ичида ёзма шаклда хабардор қилади.

Субъектни ёзма шаклда хабардор қилиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилмайди:

давлат органлари ўз ваколатларини амалга ошираётганда;

шахсга доир маълумотлар тарихий, статистик, социологик ёки илмий мақсадларда ишлов бериш учун берилганда;

шахсга доир маълумотлар ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган манбалардан йиғилганда.

24-модда. Шахсга доир маълумотларга автоматлаштирилган тарзда ишлов бериш

Субъект ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган, юридик оқибатларни келтириб чиқарадиган ўз шахсга доир маълумотларига фақат автоматлаштирилган тарзда ишлов бериш асосида қарор қабул қилишга дучор этилмаслик ҳуқуқига эга, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Қуйидаги ҳолларда субъектнинг шахсга доир маълумотларига фақат автоматлаштирилган тарзда ишлов бериш асосида қарор қабул қилиниши мумкин:

субъектнинг ёзма шаклдаги, шу жумладан электрон ҳужжат тарзидаги розилиги мавжуд бўлганда;

агар қарор мулкдор ва субъект ўртасидаги шартномани ижро этиш ёки илгари тузилган шартнома шартларини бажариш учун қабул қилинаётган бўлса;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

Мулкдор ва (ёки) оператор субъектга унинг шахсга доир маълумотларига фақат автоматлаштирилган тарзда ишлов бериш асосида қарор қабул қилиш тартибини ва бундай қарорнинг эҳтимолдаги юридик оқибатларини тушунтириши, бундай қарорга эътироз билдириш имкониятини бериши, шунингдек субъект томонидан ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтириши шарт.

Мулкдор ва (ёки) оператор ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган эътирозни кўриб чиқиши ҳамда бундай эътирозни кўриб чиқиш натижалари ҳақида субъектни ўн кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

25-модда. Шахсга доир махсус маълумотларга ишлов бериш

Ирқий ёки ижтимоий келиб чиқишга оид маълумотлар, сиёсий, диний ёки дунёқарашга оид эътиқодлар, сиёсий партиялар ва касба уюшмаларига аъзолик тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек жисмоний ёки руҳий (психик) саломатликка тааллуқли маълумотлар, шахсий ҳаёт ва судланганлик тўғрисидаги маълумотлар шахсга доир махсус маълумотлардир.

Шахсга доир махсус маълумотларга ишлов бериш тақиқланади, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Шахсга доир махсус маълумотларга ишлов беришга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

ваколатли давлат органи томонидан давлат хавфсизлигини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида;

агар субъект ўз шахсга доир махсус маълумотларига ишлов бериш учун ёзма шаклда, шу жумладан электрон ҳужжат тарзида розилик берган бўлса;

агар шахсга доир махсус маълумотлар субъект томонидан ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган манбаларда эълон қилинган бўлса;

субъектнинг ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида;

қўзғатилган жиноят иши, ижро ишини юритиш доирасида судлар ва тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти амалга оширилаётганда;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар прокуратура органлари томонидан амалга оширилаётганда;

давлат статистика органлари фаолияти амалга оширилаётганда, шунингдек бошқа давлат органлари томонидан статистика мақсадлари учун шахсга доир маълумотлардан фойдаланилганда, уларни эгасизлантириш шарти билан;

тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатилаётганда ёки тиббий ташхис, даволаш белгиланаётганда, бундай маълумотларга шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш мажбурияти зиммасига юклатилган тиббиёт ходими ёки соғлиқни сақлаш муассасасининг бошқа шахси томонидан ишлов берилиши шарти билан;

меҳнатга доир муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқлар амалга оширилаётганда ва мажбуриятлар бажарилаётганда;

субъект муомалага лаёқатсиз бўлган ёки унинг муомала лаёқати чекланган тақдирда субъектнинг ёки учинчи шахснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш таъминланаётганда;

шахсга доир маълумотлар, шу жумладан сайлаб қўйиладиган давлат лавозимларига номзодларнинг шахсга доир маълумотлари ҳаммага эълон қилинганда;

нодавлат нотижорат ташкилоти, диний ташкилот, сиёсий партия ёки касаба уюшмаси фаолияти амалга оширилаётганда, ишлов бериш фақат шу ташкилотлар ва бирлашмалар аъзоларининг ёки ходимларининг шахсга доир маълумотларига тааллуқли бўлиши ҳамда субъектларнинг розилигисиз учинчи шахсга берилмаслиги шарти билан;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг шахсга доир маълумотларига ишлов берилаётганда, бу болалар фуқароларнинг оилаларига тарбиялаш учун жойлаштирилаётганда (патронат) ҳамда васийлик ва ҳомийликни таъминлаш бўйича бошқа чора-тадбирлар амалга оширилаётганда;

шахсга доир маълумотларга давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишлов берилаётганда;

судланганлик тўғрисидаги маълумотларга ўз ваколатлари доирасида давлат органлари, шунингдек бошқа шахслар томонидан ишлов берилаётганда.

26-модда. Биометрик ва генетик маълумотларга ишлов бериш

Субъектнинг анатомик ва физиологик ўзига хос хусусиятларини тавсифловчи шахсга доир маълумотлар биометрик маълумотлардир.

Субъектнинг наслдан-наслга ўтган ёки орттирилган хусусиятларига тааллуқли бўлган, субъектнинг биологик қиёфасини таҳлил қилиш ёки муқобил ахборот олиш имконини берадиган бошқа элементни таҳлил қилиш натижаси бўлган шахсга доир маълумотлар генетик маълумотлардир.

Субъектнинг шахсини аниқлаш учун фойдаланиладиган биометрик ва генетик маълумотларга фақат мазкур субъектнинг розилиги мавжуд бўлган тақдирда, бундан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини рўёбга чиқариш, одил судловни амалга ошириш, ижро ишини юритиш билан боғлиқ ҳоллар мустасно, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда ишлов берилиши мумкин.

Электрон шаклдаги биометрик ва генетик маълумотлардан ахборот тизимларидан ташқарида фойдаланиш ва уларни шундай тизимлардан ташқарида сақлаш фақат улардан рухсатсиз фойдаланишни истисно этадиган ахборот ташувчи моддий жисмларда амалга оширилиши мумкин.

5-боб. Шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш

27-модда. Шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш кафолатлари

Давлат шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Мулкдор ва (ёки) оператор, шунингдек учинчи шахс шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича қуйидагиларни таъминлайдиган ҳукукий, ташкилий ва техник чораларни кўради:

субъектнинг ўз шахсий ҳаётига аралашувдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқи амалга оширилишини;

шахсга доир маълумотларнинг яхлитлигини ва бут сақланишини;

шахсга доир маълумотларнинг махфийлигига риоя этилишини;

шахсга доир маълумотларга қонунга ҳилоф равишда ишлов берилишининг олди олинишини.

28-модда. Шахсга доир маълумотларнинг махфийлиги

Субъектнинг розилигисиз ёки бошқа қонуний асос мавжуд бўлмагани ҳолда шахсга доир маълумотларни ошкор этиш ва тарқатишга йўл қўйилмаслиги тўғрисида мулкдор ва (ёки) оператор ёки шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга рухсат олган бошқа шахс томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган талаб шахсга доир маълумотларнинг махфийлигидир.

Мулкдор ва (ёки) оператор ҳамда шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга рухсат олган бошқа шахслар субъектнинг розилигисиз шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслиги ва тарқатмаслиги шарт.

29-модда. Ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган шахсга доир маълумотлар

Субъектнинг розилиги билан эркин фойдаланилиши мумкин бўлган ёки махфийликка риоя этишга доир талаблар татбиқ этилмайдиган шахсга доир маълумотлар ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган шахсга доир маълумотлардир.

Аҳолини ахборот билан таъминлаш мақсадида шахсга доир маълумотларнинг ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган манбалари (шу жумладан био-

график маълумотномалар, телефон, манзил китоблари, ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган электрон ахборот ресурслари) яратилиши мумкин.

Шахсга доир маълумотларнинг ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган манбаларига субъектнинг ёзма розилиги билан унинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва жойи, манзили, абонент рақами, касби тўғрисидаги маълумотлар ҳамда субъект томонидан маълум қилинадиган бошқа шахсга доир маълумотлар киритилиши мумкин.

Субъект ҳақидаги маълумотлар шахсга доир маълумотларнинг ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган манбаларидан унинг мурожаатига кўра, розилик қандай шаклда берилган бўлса, шундай шаклда ёки ёзма шаклда, шу жумладан электрон ҳужжат тарзида, шунингдек ваколатли давлат органининг ёки суднинг қарорига кўра чиқариб ташланиши мумкин.

6-боб. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

30-модда. Субъектнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Шахсга доир маълумотлар субъекти:

мулкдорда ва (ёки) операторда, шунингдек учинчи шахсда ўз шахсга доир маълумотлари ва уларнинг таркиби мавжудлигини билиш;

мулкдордан ва (ёки) оператордан шахсга доир маълумотларга ишлов бериш тўғрисидаги ахборотни сўров бўйича олиш;

мулкдордан ва (ёки) оператордан ўзининг шахсга доир маълумотларидан фойдаланиш имкониятини бериш шартлари тўғрисида ахборот олиш;

ўзининг шахсга доир маълумотларига нисбатан ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан ваколатли давлат органига ёки судга мурожаат этиш;

ўз шахсга доир маълумотларига ишлов бериш учун розилик бериш ва бундай розиликни чақириб олиш, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

ўзининг шахсга доир маълумотларини шахсга доир маълумотларнинг ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган манбаларида тарқатилиши учун мулкдорга ва (ёки) операторга, шунингдек учинчи шахсга розилик бериш;

агар шахсга доир маълумотлар тўлиқ бўлмаса, эскирган, ноаниқ бўлса, қонунга ҳилоф равишда олинган бўлса ёки ишлов бериш мақсадлари учун зарур бўлмаса, мулкдордан ва (ёки) оператордан ўзининг шахсга доир маълумотларига ишлов беришни вақтинча тўхтатиб туришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган субъектнинг шахсга доир маълумотларини тасарруф этишни унинг қонуний вакили амалга оширади.

Ўзининг шахсга доир маълумотларини Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми асосларини, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг маънавиятини, соғлигини, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат муҳофафасини ҳамда давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида тақдим этиш субъектнинг мажбуриятидир.

31-модда. Мулкдорнинг ва (ёки) операторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Мулкдор ва (ёки) оператор шахсга доир маълумотларга ишлов беришни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Мулкдор ва (ёки) оператор:

шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиши;
субъектнинг мурожаатига кўра унинг шахсга доир маълумотларига ишлов беришга тааллуқли ахборотни тақдим этиши;

ўзи вазифаларини бажариш учун зарур ва етарли бўлган шахсга доир маълумотлар таркибини тасдиқлаши;

шахсга доир маълумотларга ишлов беришдан кўзланган мақсадга эришилган тақдирда, шунингдек ушбу Қонунда белгиланган бошқа ҳолларда уларни йўқ қилиш чораларини кўриши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда субъектнинг ўз шахсга доир маълумотларига ишлов бериш учун розилиги олинганлиги далилини тақдим этиши;

башарти янги маълумотларнинг ишончилиги ҳужжатлар билан тасдиқланса, шахсга доир маълумотларни ўзгартириши ва (ёки) тўлдириши ёхуд бундай ўзгартириш ва (ёки) тўлдиришни киритиш имкони бўлмаган тақдирда бу маълумотларни йўқ қилиши;

шахсга доир маълумотларга ишлов бериш шартлари бузилганлиги тўғрисида ахборот мавжуд бўлган тақдирда, уларга ишлов беришни вақтинча тўхтатиши ёки уларни йўқ қилиши;

субъектнинг шахсга доир маълумотларига ишлов беришни вақтинча тўхтатиш ва (ёки) уларни йўқ қилиш учун субъект томонидан ҳужжатларни электрон тарзда бериш имкониятини таъминлаши;

шахсга доир маълумотлар ўзгартирилган, йўқ қилинган ва улардан фойдаланиш чекланган ҳолларда субъектни, шунингдек шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг бошқа иштирокчиларини ёзма шаклда хабардор қилиши;

шахсга доир маълумотлар учинчи шахсга берилган тақдирда, субъектни ёзма шаклда хабардор қилиши;

ўз мулки бўлган ва (ёки) ишлов берилаётган шахсга доир маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиши;

шахсга доир маълумотларни химоя қилиш бўйича зарур ҳуқуқий, ташкилий ва техник чораларни кўриши шарт.

Мулкдор ва (ёки) оператор шахсга доир маълумотларга ишлов беришни қуйидаги ҳолларда учинчи шахсга топширишга ҳақли:

субъектнинг ёзма шаклдаги, шу жумладан электрон ҳужжат тарзидаги розилиги мавжуд бўлган тақдирда;

агар қарор мулкдор ва субъект ўртасидаги шартномани ижро этиш ёки илгари тузилган шартнома шартларини бажариш учун қабул қилинаётган бўлса;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

Мулкдорнинг ва (ёки) операторнинг, шунингдек учинчи шахснинг

шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятлари шахсга доир маълумотларни йиғиш пайтидан эътиборан вужудга келади ва улар йўқ қилиб ташланган ёки эгасизлантирилган пайтга қадар амал қилади.

Мулкдор ва (ёки) оператор шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ва уларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишлар учун масъул бўлган таркибий бўлинмани ёки мансабдор шахсни белгилайди ҳамда унинг ишини Шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг намунавий тартибига мувофиқ таъминлайди.

7-боб. Якунловчи қоидалар

32-модда. Низоларни ҳал этиш

Шахсга доир маълумотлар соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

33-модда. Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

34-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ваколатли давлат органи бошқа манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

35-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

36-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун 2019 йил 1 октябрдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 2 июль,
ЎРҚ-547-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

481 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3931-сон ва 2019 йил 17 июндаги «2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–4359-сон қарорларига мувофиқ, шунингдек, Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича «Mirzo Ulugbek Innovation Center» инновация маркази фаолиятини янада ривожлантириш, импорт қилинадиган дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг сотиб олиш қийматини шакллантириш тартибини такомиллаштириш, аҳолини сифатли ва арзон фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлаш, республика тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 5 июль,
ПФ–5759-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 5 июлдаги
ПФ–5759-сон Фармонида
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5099-сон Фармонида:

а) 4-бандда:

бешинчи хатбошидаги «тўғрисидаги қарорларни қабул қилади» сўзлари «тартибини белгилайди» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Инновация маркази резидентларига уларнинг лойиҳаларини давлат даражасида, шу жумладан давлат-хусусий шериклик орқали илгари суришда кўмаклашади»;

олтинчи хатбоши еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) қуйидаги мазмундаги 6¹-банд билан тўлдирилсин:

«6¹. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда Инновация маркази резидентлари томонидан амалга оширилаётган фаолиятини самарали назорат қилиш мақсадида Инновация маркази резидентлари учун махсус Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичини белгиланган тартибда тасдиқласин ва жорий этсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг тақдимномасига асосан, зарур ҳолларда, Инновация маркази резидентлари учун Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичига ўзгартириш ва қўшимчалар киритади».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 31 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–1765-сон қарори 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган фуқаролар республиканинг олий ҳарбий таълим муассасаларидаги тегишли таълим йўналишларига ўқишга киришда тест синовлари натижаларига кўра тўплаган балларининг 50 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўладилар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хиз-

матни ўтаб, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларига эга бўлган абитуриентларни республиканинг олий таълим муассасалари (олий ҳарбий таълим муассасалари бундан мустасно) бакалавриатига ўқишга кириши учун тегишли ўқув йилига тасдиқланадиган олий таълим муассасаларига қабул параметрларидан ташқари алоҳида қабул кўрсаткичлари ажратилади ва улар ушбу кўрсаткичлар доирасида танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар;

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги томонидан олий таълим муассасаларига кириш учун берилган тавсияномалар, улар берилган санадан бошлаб, уч йил мобайнида амал қилади».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сон қарори 1-бандида:

тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқувчилари ва ўқитувчиларини чет тиллар бўйича дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш, уларни қайта нашр этиш бўйича белгиланган муддатларга риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармасининг айланма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ижтимоий ёрдамга мухтож оилалардан бўлган ўқувчилари ҳамда умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқитувчилари учун чет тиллар бўйича дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни нашр этиш ва етказиб бериш бепул асосда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларини ижара тизими асосида чет тиллар бўйича дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар билан таъминлаш эса Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ-2647-сон қарори билан тасдиқланган Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари нарҳини тартибга солиш тўғрисидаги низомнинг рус тилидаги матни 5-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«5. Покупная стоимость для импортируемых лекарственных средств и изделий медицинского назначения служит базой для установления регулируемой цены на импортируемую продукцию в соответствии с настоящим Положением.

Покупная стоимость определяется по следующей формуле:

$$C = K_c + T + \text{Пр.}, \text{ где:}$$

C — покупная стоимость импортированных лекарственных средств и изделий медицинского назначения;

Кс — контрактная стоимость импортированных лекарственных средств и изделий медицинского назначения, определенная исходя из курса Центрального банка Республики Узбекистан на дату заполнения грузовой таможенной декларации;

Т — таможенные платежи, рассчитанные по курсу Центрального банка Республики Узбекистан в установленном порядке;

Пр. — прочие расходы, связанные с покупкой товара, которые формируются в соответствии с пунктами 1.1 и 1.2 Положения о составе затрат по производству и реализации продукции (работ, услуг) и порядке формирования финансовых результатов, утвержденного постановлением Кабинета Министров от 5 февраля 1999 года № 54».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 ноябрдаги «2016 — 2020 йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2650-сон қарорида:

а) 1-бандда:

учинчи хатбошидаги «40» рақами «46» рақами билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «ретиал камералардан» сўзлари «бинокуляр пешона офтальмоскоплари, пешона диод лазер-коагуляторлари, А/В сканерларидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

5-позицияда:

«Чора-тадбирлар номи» устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Республика перинатал маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий перинатал маркази ва вилоятлар перинатал марказларини чала туғилган чақалоқлар учун тўпламида кўз қовоғини кенгайтиргич ва илгаклар бўлган бинокуляр пешона офтальмоскоплари билан жиҳозлаш, Республика перинатал маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий перинатал маркази, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё, Навоий, Сирдарё вилоятлари перинатал марказларини пешона диод лазер-коагуляторлари билан ва Республика перинатал маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий перинатал маркази, Фарғона, Самарқанд, Сурхондарё ва Навоий вилоятлари перинатал марказларини А/В сканерлари билан жиҳозлаш»;

«Ҳисобланган миқдор» устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тўпламида кўз қовоғини кенгайтиргич ва илгаклар (30 дона) бўлган 14 та бинокуляр пешона офтальмоскопи, 7 дона пешона диод лазер-коагулятори ва 6 та А/В сканери»;

7-позицияда:

«Чора-тадбирлар номи» устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оналар ўлимининг олдини олиш мақсадида туғуруқдан кейинги даврда қон кетишини шошилиш тўхтатиш учун қон қуюлишининг плазма факторлари препаратлари (протромбин комплекслари) билан таъминлаш»;

«Ҳисобланган миқдор» устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17,5 минг доза протромбин комплекслари».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги

«Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2829-сон қарори 3-бандининг еттинчи хатбошисидаги «Молия вазирлиги» сўзлари «Халқ таълими вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3955-сон қарорида:

1-банднинг «а» кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин;

1-иловининг «Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион маркази» блокадаги «Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион маркази» сўзлари «Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион маркази» МЧЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-иловининг 18 ва 19-позициялари чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 5 июлдаги
ПФ-5759-сон Фармони
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ПФ-4309-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Республика мақсадли китоб жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-363-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1245-сон қарорига 31-иловининг 2-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1675-сон қарорига 33-иловининг 1-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПҚ-1967-сон қарорига илованинг 2-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**482 Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақасида-
ги Жел конини Маҳсулот тақсимотига оид битим
шартлари асосида ўзлаштириш тўғрисида*****[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги икки томонлама стратегик ҳамкорлик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3997-сон қарорига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақасидаги Жел конини ўзлаштиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали углеводород хом ашёсини қазиб олиш ва экспорт қилиш ҳажмларини янада ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

«Ўзбекнефтегаз» МХК ва «Газпром» ОАЖ (Россия Федерацияси) ўртасида 2006 йил 25 январда имзоланган Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақаси инвестицион блокларида ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишнинг асосий принциплари тўғрисидаги Битим доирасида 2006 — 2009 йилларда Устюрт минтақасида геология-қидирув ишлари олиб борилиб, «Газпром» ОАЖнинг 371,0 млн АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри инвестициялари ўзлаштирилгани;

«Газпром» ОАЖ (Россия Федерацияси) томонидан Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақасидаги Шахпахта инвестицион блокада амалга оширилган қидириш ва разведка қилиш ишлари натижасида саноат тоифасидаги умумий табиий газ захираси 6,4 млрд. м куб ва газ конденсати захираси 76,0 минг тоннага тенг янги Жел кони очилгани;

Ўзбекистон Республикаси ва «Газпром» ОАЖнинг (Россия Федерацияси) хорижда қидирув, разведка ишларини ўтказиш, конларни ишлатиш ва қазиб чиқариш соҳасидаги нефть ва газ лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ягона ихтисослашган компанияси ҳисобланган «Газпром ЭП Интернэшнл Б.В.» (Нидерландия) ўртасида Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақасидаги Жел кони бўйича маҳсулот тақсимотига оид Битим (кейинги ўринларда — Битим) имзолангани;

фойдага қолган маҳсулотни тенглик асосида тақсимлашни мустаҳкамлаб қўйиш мақсадида томонлар ўртасида қўшимча музокаралар ўтказилгани ва ўзаро манфаатларни инобатга олган ҳолда Битимга тегишли ўзгартиришлар тайёрлангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган меъёрлар билан бир қаторда қуйидаги асосий шартларни назарда тутадиган Ўзбекис-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 июлда эълон қилинган.

тон Республикаси ва «Газпром ЭП Интернэшнл Б.В.» (Нидерландия) (кейинги ўринларда — инвестор) ўртасида 2018 йил 18 октябрда Тошкент шаҳрида имзоланган Битим ҳамда 2019 йил 28 июндаги 1-сон Қўшимча битим маъқуллансин:

компенсация маҳсулотининг чекланган даражаси — 75 фоиз;

фойда солиғининг ставкаси — 12 фоиз;

Битим шартларига мувофиқ инвесторнинг қопланиши шарт бўлган харажатларининг қопланмаган қисми учун йиллик молиялаштириш ставкаси — 8 фоиз;

Битимни амалга ошириш даврида табиий газнинг нарх конъюнктураси ўзгарганда табиий газ учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (роялти)ни қўллашни мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси ҳамда инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси Устюрт минтақасидаги Шахпахта инвестицион блоки доирасидаги тарихий сарф-харажатларининг мустақил аудитини ўтказиш натижаларига кўра инвесторнинг ушбу инвестицион блокда геология-қидирув ишларини олиб боришда қилган тарихий сарф-харажатларини қоплаш;

техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқишда ва инвесторнинг Битимда белгиланган ички даромадлилик нормаси (IRR) сақланишини таъминлашда фойдага қолган маҳсулотни тенглик асосида тақсимлашни назарда тутган ҳолда Битимнинг айрим техник-иқтисодий параметрларини қайта кўриб чиқиш;

инвестор томонидан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини унинг «Газпром зарубежнефтегаз» АЖ шўъба компаниясига топшириш имконияти;

Битимни амалга ошириш бўйича ваколатли орган функциясини Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигига ўтказиш.

3. Белгилансинки, Битимни амалга ошириш доирасида:

Битимда кўзда тутилган солиққа тортиш, шу жумладан божхона тўловларини тўлаш тартиби Битимнинг бутун амал қилиш даврида ўз кучини сақлаб қолади;

инвесторга тақдим этиладиган имтиёз ва преференциялар операторга ҳам татбиқ этилади;

«Ўзбекнефтгаз» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар Битимнинг бутун амал қилиш даврида инвестор (оператор)га беғараз асосда вақтинчалик фойдаланишга (тасарруф этиш ҳуқуқисиз) бериладиган мол-мулклар учун мол-мулк солиғи тўлашдан озод этилади;

Битим имзоланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига Битим шартларини ёмонлаштирадиган ўзгартириш ёки қўшимчалар киритилганида (ишларни хавфсиз олиб бориш, меҳнат, ер ости бойликлари, атроф-муҳит ва фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича стандартлар (нормалар, қоидалар)га ўзгартиришлар бундан мустасно), Битимда кўзда тутилган шартлар ўз кучини сақлаб қолади.

4. «Ўзбекнефтгаз» АЖга Битим шартларига мувофиқ инвесторга қуйидагиларни:

Битимни амалга ошириш доирасида нефть-газ ишларини олиб бориш мақсадлари учун зарур бўлган, Устюрт минтақасининг Шахпахта инвестицион блокида жойлашган объектлар ва мулкни вақтинча фойдаланиш учун беғараз асосда (тасарруф этиш ҳуқуқисиз) топширишга рухсат этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Битимнинг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқишда фойдага қолган маҳсулотни тенг тақсимлаш ва лойиҳанинг техник-иқтисодий параметрларини қайта кўриб чиқиш шарти билан ички бозорда реализация қилинадиган нефть-газ маҳсулотлари нархига чегирма қўллашни назарда тутсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси Битимнинг амал қилиш муддатига инвесторга Битимда кўзда тутилган шартлар асосида геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензияларни белгиланган тартибда берсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Битимни амалга ошириш учун инвесторга зарур бўлган ер участкаларини белгиланган тартибда ажратсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси инвесторга Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақасида жойлашган Жел конида табиий газ ва газ конденсатини қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда берсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки операторга Ўзбекистон Республикасининг резидент банклари билан корреспондентлик алоқаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги банкларда, Битимни амалга ошириш доирасида фақат нефть-газ операцияларини амалга ошириш мақсадларида фойдаланиладиган, чет эл валютасидаги банк ҳисоб рақамларини очишга белгиланган тартибда рухсатнома берилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Битимни амалга ошириш доирасида операторга, унинг пудратчи ва субпудратчи ташкилотларига радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланишга белгиланган тартибда рухсатнома берсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги операторнинг Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги томонидан тасдиқланадиган буюртманомаларига биноан Битимни амалга оширишда қатнашаётган чет эл мутахассисларининг давлат божини ундирмасдан Ўзбекистон Республикасидаги яшаш жойи бўйича вақтинчалик рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги операторнинг буюртманомаларига кўра Битимни амалга оширишда қатнашаётган юқори малакали хорижий (Ўзбекистон Республикаси фуқа-

ролари орасида бўлмаган) мутахассисларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига тасдиқномалар берилиши (узайтирилиши)ни таъминласин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 29 июнь,
ПҚ-4376-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 29 июндаги
ПҚ-4376-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг Устюрт минтақасидаги
Жел конига нисбатан Маҳсулот тақсимотига оид битимни
амалга ошириш даврида табиий газнинг экспорт нархлари
ўзгарганда қазиб олинган табиий газ учун қўлланиладиган
ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (роялти)
СТАВКАЛАРИ**

Табиий газ нархи (1 минг куб метр учун АҚШ долларида)	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (роялти) ставкаси
125 долларгача	0 фоиз
125 доллардан кўп ва 135 долларгача	6 фоиз
135 доллардан кўп ва 138 долларгача	7 фоиз
138 доллардан кўп ва 150 долларгача	17 фоиз
150 доллардан кўп ва 160 долларгача	23 фоиз
160 доллардан кўп ва 170 долларгача	25 фоиз
170 доллардан кўп	30 фоиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**483 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасида, шу жумладан мазкур соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 февралдаги «Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4168-сон қарорига мувофиқ интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва умумэътироф этилган халқаро нормаларни имплементация қилишга оид фаолияти қониқарсиз деб топилганлиги сабабли Интеллектуал мулк агентлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимига ўтказилди.

Мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотларни давом эттириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳисобга олиб:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ижро этувчи аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 61 штат бирлигидан иборат янгиланган тузилмаси 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлига ходимларнинг белгиланган чекланган сони доирасида Агентликнинг ижро этувчи аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда — Адлия вазирлиги) ва Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қўшимча штат бирликларини жорий этиш ҳуқуқи берилсин.

2. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари ва бошқа интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш;

интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси ҳолатини комплекс таҳлил қилиш, ушбу соҳасини ривожлантириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш;

интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 2 июлда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

интеллектуал мулк масалалари бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ўзаро муҳофаза қилиш ҳақидаги халқаро шартномаларни тузиш орқали йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш;

интеллектуал мулк соҳасидаги илмий-тадқиқот ва бошқа ишларни ўтказишда иштирок этиш;

жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва интеллектуал мулкка нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Агентлик:

интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза ва ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли давлат бошқаруви органи;

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

б) Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик ва уни назорат қилиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва Агентлик ходимларининг малакасини оширишни ташкил этиш Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади;

в) Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари — юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган патент божлари ва тўловларнинг 20 фоизи миқдоридаги маблағлар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган патент божлари ва тўловларнинг 80 фоизи миқдоридаги маблағлар, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш учун амалга оширилган тўловлар, интеллектуал мулк соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қўлланиладиган маъмурий жарима суммалари, қонунчиликка мувофиқ пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар Агентлиكنинг бюджетдан ташқари жамғармасига белгиланган тартибда ўтказилади;

г) Агентлиكنинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари Агентлик томонидан тасдиқланадиган ва қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиладиган харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига асосан Агентлиكنи сақлаб туришга, унинг моддий-техника базасини шакллантириш ва мустаҳкамлашга, Агентлик ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилишга ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мақсадларга йўналтирилади.

4. Адлия вазирлиги:

а) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Агентлиكنинг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тартибини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг патент божлари ва тўловларидан ўрнатилган тартибда тушадиган маблағларни йўналтириш тартибини белгилашни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) икки ҳафта муддатда:

мазкур қарорнинг 3-банди «в» кичик бандида кўрсатилган маблағлар келиб тушишининг алоҳида ҳисобини юритиш учун тегишли банк ва ғазна шахсий ҳисобварақалари очилишини;

Агентликнинг ғазна шахсий ҳисобварақасидаги қолдиқ маблағлар Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси шахсий ҳисобварақасига ўтказилишини таъминласин;

в) икки ой муддатда Агентлик ходимларини белгиланган тартибда аттестациядан ўтказиш орқали Агентликнинг интеллектуал мулк соҳасида чуқур билимларга ҳамда амалий иш тажрибасига эга ҳалол, тартиб-интизомли ва малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

5. Агентлик фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, қонунчиликда ўрнатилган тартибда шакллантириладиган Адлия вазирлиги ва Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар белгилансин.

6. Агентликка қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши бўйича ўрганишлар ўтказиш;

давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонунбузилишлар, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик ҳақида мансабдор шахсларни ёзма равишда огоҳлантириш;

интеллектуал мулк соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо қўллаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда малакали хорижий мутахассисларни уларга истисно тариқасида Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан хорижий валютада иш ҳақи ва бошқа тўловларни белгилаган ҳолда ходимлар ва маслаҳатчилар сифатида жалб қилиш.

7. Адлия вазирлигининг ҳудудий бўлинмаларига қўйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича консултив ва амалий кўмаклашиш;

интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофаза қилинишини, муаллифларнинг ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлаш бўйича, шу жумладан контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш, чиқариш, реализация қилишга қарши курашишда ваколатли давлат органларига кўмаклашиш орқали тегишли чоралар кўриш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти

органларининг интеллектуал мулк соҳасини тартибга солишдаги фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш;

аҳоли ўртасида интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасида ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича тарғибот тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш.

8. Адлия вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

«Интеллектуал мулк соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув маркази» давлат унитар корхонасини «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги қошидаги Интеллектуал мулк консултьатив маркази» давлат унитар корхонаси этиб қайта номлаш;

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат юридик университетида «Интеллектуал мулк ҳуқуқи» мутахассислиги бўйича янги магистратура йўналишини очиш ва унга базавий олий маълумотдан қатъи назар интеллектуал мулк соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш вазифасини юклаш;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристарлар малакасини ошириш марказига интеллектуал мулк соҳасидаги кадрларнинг малакасини, шу жумладан пуллик асосда ошириш бўйича қўшимча вазифа юклаш.

9. Белгилаб қўйилсинки:

а) Адлия вазирлиги ҳузурида Ўзбекистон Республикаси адлия вазири раис ҳисобланадиган интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси билан боғлиқ бўлган апелляцияларни судгача кўриб чиқувчи Апелляция кенгаши ташкил этилади;

Апелляция кенгаши таркибига интеллектуал мулк соҳасидаги мустақил олимлар ва мутахассислар киради;

Апелляция кенгашининг таркибида Адлия вазирлиги ва Агентлик ходимлари сони Апелляция кенгаши аъзолари умумий сонининг ўттиз фоизидан ошмаслиги лозим;

б) қуйидаги мезонларга мувофиқ келувчи товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгиси (кейинги ўринларда — товар белгиси) Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум деб эътироф этилади:

товар белгиси қўлланиладиган товарлар ва (ёки) хизматларнинг тури Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ва (ёки) потенциал истеъмолчилари томонидан ёхуд товар белгиси қўлланиладиган товарлар ва (ёки) хизматларнинг тури уни тарқатилишини таъминлашда иштирок этаётган шахслар томонидан ёхуд товар белгиси қўлланиладиган товарлар ва (ёки) хизматларнинг турига алоқадор бўлган ишбилармонлар доираси томонидан таниб олиниши, бунда товарнинг сифат даражаси ҳақида тушунча мамлакатдаги товар белгиси билан боғлиқ бўлиши керак;

аввалдан хос бўлган ёки фаол фойдаланиш натижасида вужудга келган юқори фарқланиш хусусияти;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шу жумладан Интернет тармоғининг миллий сегменти домен номлари тизимида товар белгисидан кенг фойдаланиш ва унинг реклама қилиниши;

республикада узоқ муддат давомида ва фаол фойдаланиш натижасида вужудга келган тижорат қиймати;

в) Апелляция кенгаши томонидан қарор қабул қилишда юқоридаги мезонлар билан бир қаторда мазкур қарорда акс этмаган ушбу соҳадаги халқаро стандартлар, шу жумладан Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ҳужжатларига мувофиқ қўшимча мезонлар инобатга олиниши мумкин.

10. Агентлик Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 59-уйга беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 июль,
ПҚ-4380-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 1 июлдаги
ПҚ-4380-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 февралдаги «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2761-сон қарори 4-банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3666-сон қарорида:

а) 1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш»;

б) 3-бандда:

тўртинчи хатбошидаги «158» рақами «163» рақами билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати, адлия органлари ва муассасаларининг тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш;

малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақи миқдори ҳамда бошқа тўловларни хорижий валютада белгилаш ҳуқуқи берилсин.

в) 1-иловада:

8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Вазирлик тизимида қуйидагилар қиради:

Вазирлик марказий аппарати;

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари;

Давлат хизматлари агентлиги;

Интеллектуал мулк агентлиги;

Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти;

Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази;

«Адолат» ҳуқуқий ахборот маркази» ДУК;

«Адлия органлари ва муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» ДУК;

давлат нотариал идоралари ва архивлари;

Юристарлар малакасини ошириш маркази;

Тошкент давлат юридик университети;

юридик коллежлари;

Академик лицей;

«Инсон ва қонун» газетаси таҳририяти» ДУК.

Адлия органлари ва муассасалари маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир ва бевосита Вазирликка бўйсундилар»;

9-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш»;

10-бандда:

8-кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8) ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамиятини етказиш, аҳолининг ҳуқуқий саводсизлигини йўқ қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқий тарғибот соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш соҳасида:

давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича олиб борилган ишларни ўрганади, шунингдек, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрлайди;

давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳуқуқий ахборотдан кенг қўламда фойдаланишини таъминлаш, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

ижрочилар ва аҳолини қонунчиликнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан ошириш, ушбу фаолиятни ташкил қилишда принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширади;

аҳолининг турли қатламлари, шу жумладан тадбиркорлар ва ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ижрочилар ва аҳолини қонунчиликнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан яхшилаш мақсадида кенг жамоатчилик фикрини ўрганади ва таҳлил қилади, ушбу соҳада ишларни янада такомиллаштириш борасида таклифлар ишлаб чиқади»;

қуйидаги мазмундаги 17-кичик банд билан тўлдирилсин:

«17) интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

интеллектуал мулк соҳасини ривожлантириш бўйича асосий йўналишларни ишлаб чиқишни амалга оширади;

интеллектуал мулк соҳасининг ривожланиш ҳолатини, шу жумладан мазкур соҳадаги халқаро рейтинглар ва индекслар мезонлари ва методологиялари асосида ҳар томонлама таҳлил қилиш ва баҳолашни амалга оширади;

интеллектуал мулк соҳасида қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлайди;

интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши аҳволини ўрганади;

интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, солиқ ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик бўйича фаолиятни мувофиқлаштиради;

интеллектуал мулк соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиётини ўрганади ва таҳлил қилади;

интеллектуал мулк соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар

фаолияти самарадорлигини назорат қилиш ва баҳолашнинг амалга оширилишини ташкил этади»;

20-банд қуйидаги мазмундаги 19 — 22-кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«19) корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга миллий интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича консултив ва амалий кўмаклашиш;

20) интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофаза қилинишини, муаллифларнинг ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлаш бўйича, шу жумладан контрафакт маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тарқатиш ва реализация қилишга қарши курашда ваколатли давлат органларига кўмаклашиш орқали тегишли чора-тадбирлар кўриш;

21) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг интеллектуал мулк соҳасидаги фаолиятини тартибга солишда ҳуқуқни қўллаш амалиётини изчил ва бир хилда таъминлаш;

22) аҳоли ўртасида интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасида ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича тарғибот тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиш»;

34-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, солиқ ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик натижалари тўғрисида ҳисобот беради»;

37-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида интеллектуал мулк соҳасида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, солиқ ва бошқа ҳудудий давлат органлари билан ҳамкорлик қилади»;

46-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«46. Вазирлик ҳузурида Ўзбекистон Республикаси адлия вазири раис ҳисобланган интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси билан боғлиқ бўлган апелляцияларни судгача кўриб чиқувчи Апелляция кенгаши ташкил этилади.

Апелляция кенгашининг таркибига интеллектуал мулк соҳасидаги мустақил олимлар ва мутахассислар киради. Апелляция кенгаши таркибида адлия органлари ва муассасаларининг ходимлари сони Апелляция кенгаши аъзолари умумий сонининг ўттиз фоизидан ошмаслиги лозим.

Вазирликда бошқа кенгаш, маслаҳат ва экспертлик органлари тузилиши мумкин»;

г) 2 ва 3-иловалар* қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

д) 4-илованинг изоҳи қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бошқарув ходимларининг чекланган сонига мазкур қарорнинг 3-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.»;

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

е) 5-илованинг изоҳи қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошқарув ходимларининг чекланган сонига мазкур қарорнинг 3-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.»;

ж) 6-илованинг изоҳи қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Туманлар (шаҳарлар) адлия бўлимлари бошқарув ходимларининг чекланган сонига мазкур қарорнинг 3-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 442-сон қарорида:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни оширишга» сўзлари «адлия органлари фаолиятини такомиллаштиришга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банддаги «25» рақами «20» рақами билан алмаштирилсин;

в) илова* қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 1 июлдаги
ПҚ-4380-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-1536-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 20 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2637-сон қарори.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**484 Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иш-тирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда бугунги кунда 226 та баҳолаш ташкилотлари, шу жумладан халқаро компаниялар мавжуд бўлиб, уларда 700 дан ортиқ баҳоловчилар профессионал фаолият юритиб келмоқда, мол-мулкни баҳолаш бўйича 110 мингдан ортиқ шартномалар тузилган. Шу билан бирга, баҳолаш хизматлари бозори ҳажми 2018 йилда атиги 50 млрд сўмни ташкил этди.

Баҳолаш ташкилотлари фаолияти иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичи талабларига тўлиқ мос эмаслиги юзага келган ҳолатнинг асосий сабаби ҳисобланади. Баҳолаш ишлари, аксарият ҳолларда расмийлик учун, етарлича профессионал бўлмаган даражада ўтказилмоқда, баҳолаш ташкилотларининг лозим даражадаги мустақиллиги ҳамда объектларни реал нархда баҳолашнинг объективлиги ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифати учун жавобгарлиги таъминланмаяпти.

Шунингдек, давлат ва хусусий активларни баҳолашда ягона ёндашув ва стандартлар мавжуд эмас, натижада давлат активлари кўпинча асоссиз равишда оширилган нархларда баҳоланмоқда, бу эса уларни сотиш муддатларининг чўзилишига олиб келмоқда ва кейинчалик нархларни кадам-бакадам пасайтириш механизмларини қўллаш заруратини юзага келтирмоқда.

Мустақил баҳолаш тизимини янада ривожлантириш, баҳолаш хизматларининг профессионал даражаси ва сифатини ошириш, баҳолаш ташкилотлари фаолиятини тартибга солишнинг самарали усулларини жорий этиш, ўтказиладиган баҳолаш ишларининг натижалари ва объективлиги учун уларнинг жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек, давлат активларини сотиш жараёнларини соддалаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки:

баҳолаш ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш ва баҳоловчиларни тоифалаш Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан амалга оширилади;

баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар уларнинг амал қилиши чекланмаган муддатга берилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар энг яхши хорижий амалиётни ҳисобга олган ҳолда, баҳолашнинг халқаро стандартлари тамойиллари асосида, мулкчилик шаклидан қатъи назар

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 июлда эълон қилинган.

объектларни баҳолашнинг ягона миллий стандартларини тасдиқлаш чораларини кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг давлат акциялар пакети (улушлари)ни сотиш тартиб-таомилларини соддалаштириш тўғрисида қуйидагиларни назарда тутувчи таклифига розилик берилсин:

а) давлат активларини улар бошланғич савдога қўйилган нархдан паст номинал қийматда сотиш;

б) хўжалик жамиятлари устав капиталидаги давлат акциялар пакети (улушлари)ни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ, аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бухгалтерлик баланси бўйича 2019 йил 1 январь ҳолатида жамият соф активларининг пропорционал улушига тенг бошланғич нархда, жамият қатнашчиларининг сотиб олишдаги устунлик ҳуқуқини қўлламаган ҳолда очиқ савдоларга қўйиш. Хўжалик жамиятлари соф активларининг миқдори уларнинг устав капитали миқдоридан камроқ бўлган тақдирда, давлат акциялар пакети (улушлари) номинал қийматда сотувга қўйилади;

в) инвесторларга сотиб олинаётган давлат акциялар пакети (улушлари) қийматини инвесторларнинг товар-хом ашё биржалари ҳисоб-китоб клиринг палаталаридаги ҳисобварақларида, республиканинг ваколатли банкларида очилган хорижий банкларнинг «лоро» вакиллик ҳисобварақларида бўлган миллий валютадаги пул маблағлари билан тўлаган ҳолда давлат акциялар пакети (улушлари)ни сотиб олиш ҳуқуқини бериш;

г) андеррайтинг фаолиятини амалга ошириш учун, кейинги уч йил мобайнида фаолиятнинг ижобий молиявий натижасини тасдиқлайдиган аудиторлик хулосаси мавжуд бўлиши тўғрисидаги ҳамда қимматли қоғозлар бозорининг малакали аттестатини олиш учун таълим муассасасининг қимматли қоғозлар бозори мутахассисларини қайта тайёрлаш ёки уларнинг малакасини ошириш курсларини тугатганлик ҳақида сертификатини тақдим қилиш тўғрисидаги талабларни бекор қилиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ва давлат улушлари кўпроқ бўлган хўжалик жамиятларига Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги билан келишилган ҳолда, истисно тариқасида, 2020 йилнинг 1 январига қадар инвестиция маслаҳатчиси сифатида ташкилотларни қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш лицензиясини олмасдан ва янги резидент — юридик шахсни ташкил этмасдан ёки амалдаги юридик шахснинг устав капиталида иштирок этмасдан қимматли қоғозларни сотиш бўйича хизматлар кўрсатиш учун жалб этишга рухсат берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

а) хўжалик жамиятларининг устав капиталидаги жамиятлар соф активларининг пропорционал улушига тенг бошланғич нархда, устун ҳуқуқни

қўлламаган ҳолда очиқ савдога қўйиладиган давлат акциялар пакетлари (улушлари) рўйхати;

б) тугатиш ёки банкротлик тартиб-таомиллари қўлланиладиган паст рентабелли ва фаолият юритмаётган ташкилотлар рўйхати тасдиқланишини назарда тутувчи қарор қабул қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар киритган ҳолда, шу жумладан мулк қийматини амалдаги стандартларга ва ушбу соҳадаги халқаро талабларга мос келиши нуқтаи назаридан экспертиза методологиясини унификациялашни назарда тутган ҳолда суд-тергов органларининг сўровномалари бўйича мол-мулк қийматини белгилаш юзасидан ўтказиладиган экспертизанинг баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқлиги нуқтаи назаридан Марказнинг ушбу соҳадаги фаолиятини танқидий ўрганиб чиқсин.

7. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ўзбекистон Баҳолаш ташкилотлари ассоциацияси ва Баҳоловчилар жамиятининг:

2019 йил 1 августдан бошлаб баҳоловчиларнинг малака даражаси ва баҳолаш фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат ташкилотларидаги аъзолigidан келиб чиққан ҳолда уларни тоифалашни;

тоифалаш натижаларини Давлат активларини бошқариш агентлиги, Ўзбекистон Баҳолаш ташкилотлари ассоциацияси ва Баҳоловчилар жамиятининг веб-сайтларида эълон қилиш амалиётини;

Ўзбекистон Баҳолаш ташкилотлари ассоциацияси ва Баҳоловчилар жамияти томонидан 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар мониторинги асосида, штатда билимдон баҳоловчиларнинг мавжудлиги, мазкур баҳолаш ташкилоти томонидан бозорда эгаллаган ўрни ҳамда бошқа мезонларга қараб бериладиган баҳолаш ташкилотларининг рейтингини жорий этиш тўғрисидаги ва уни жамоат ташкилотларининг веб-сайтларида эълон қилиш ҳақидаги таклифларига розилик берилсин.

8. Давлат статистика қўмитаси 2019 йил 1 августдан бошлаб ойма-ой асосда қурилиш-монтаж ишлари қимматлашуви индексининг ҳисоб-китобини жорий этсин.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Баҳолаш ташкилотлари ассоциацияси ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар бинолар ва иншоотлар қурилишининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олувчи қайта тиклаш қийматининг йириклаштирилган кўрсаткичлари қайта кўриб чиқиши ва янгиланишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Баҳолаш ташкилотлари ассоциацияси ва Баҳоловчилар жамиятига:

миллий баҳоловчилар учун ягона баҳолаш стандартларини, шу жум-

ладан халқаро экспертлар ва баҳолаш компанияларини жалб этган ҳолда амалиётга татбиқ этиш бўйича семинарлар ва тренингларни мунтазам асосда ўтказиб туришни ташкиллаштириш;

илғор хорижий тажрибани жорий этиш ва миллий баҳолаш компанияларининг хизматларини чет эл бозорларига олиб чиқишда уларга қўмаклашиш, баҳолаш фаолияти соҳасидаги машҳур хорижий жамоат ташкилотларининг Ўзбекистонда ваколатхоналарини очишда ташаббус кўрса-тиш;

электрон ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш, таҳлилий шарҳлар ва маълумотлар базаларидан умумий фойдаланиш, ахборот айирбошлаш, доимий асосда семинарлар, ўқув курслари, давра суҳбатлари, учрашувлар, конференциялар ўтказиш, кейинчалик давлат органларида татбиқ этиш мақсадида баҳолаш фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва баҳоловчилар ўртасида кенг муҳокама қилиш орқали, шунингдек, олий ўқув юртлари билан биргаликда баҳолаш бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш юзасидан барча баҳолаш ташкилотлари, баҳоловчилар билан (айниқса ҳудудларда) давлат органлари ўртасидаги самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш тавсия қилинсин.

10. Белгилансинки, давлат акциялар пакетлари (улушлари)ни хусусийлаштиришда инвестиция воситачиси ёки маслаҳатчисининг хизматлари учун миқдори шартномада белгиланадиган мукофот пули, шу жумладан:

1 фоизгача — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги қарори билан;

1 фоиздан ортиқ — Давлат мулкани сотиш бўйича давлат комиссияси қарори билан тўланади.

11. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги ПФ-5666-сон «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ давлатнинг қўчмас мулк объектларини ижарага бериш савдолари 2019 йил 1 июлдан «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончаси орқали амалга оширилади.

12. 2020 йил 1 январдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ ижара шартномаларини ҳисобга қўйиш, давлат мулкани ижарага беришдан тушадиган маблағлар тушуми ва уни тақсимлаш тегишли вазна-чилик шахсий ҳисобрақамлари орқали амалга оширилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси

Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 июль,
ПҚ-4381-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 1 июлдаги
ПҚ-4381-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ПҚ-5656-сон Фармонининг 6-банди тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 июлдаги «Давлат мулки объектларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига сотиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2200-сон қарори 6-иловасининг 3-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Ошкора савдоларда давлат активларини сотиб олишга икки ой мобайнида талабнома тушмаган тақдирда, уларни дастлаб қўйилган нархни қадам-бақадам пасайтириб бориш механизмини қўллаган ҳолда сотиш амалга оширилади ва бу қадам қуйидагилар бўйича ҳар 15 кунда дастлаб қўйилган нархнинг 10 фоизини ташкил қилади:

қўчмас мулк объектлари бўйича — дастлаб қўйилган нархдан 50 фоизгача;

акциялар (улушлар) бўйича — дастлаб қўйилган нархдан 50 фоизгача, шу жумладан номинал қийматидан паст миқдорда, Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси қарорига асосан нархни қадам-бақадам пасайтириб бориш механизми келгусида қўлланилиши мумкин».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги «Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2340-сон қарорининг:

2-банди иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

1 ва 2-иловалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 июндаги «Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3764-сон қарорида:

1-банднинг «а» кичик бандидаги «баҳолаш фаолиятини лицензиялаш ва» сўзлари чиқариб ташлансин;

4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Белгилаб қўйилсинки:

баҳоловчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш намунавий дастурлари баҳолаш фаолияти соҳасидаги лицензияловчи орган (кейинги ўринларда — лицензияловчи орган) томонидан баҳолаш фаолияти соҳасидаги профессионал жамоат ташкилотлари таклифларини инobatга олган ҳолда тасдиқланади;

баҳоловчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактаби ҳамда нодавлат таълим муассасалари (кейинги ўринларда — ўқув марказлар) томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.»;

6-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 10 июлга қадар Баҳоловчиларга тоифалар бериш бўйича давлат хизматларини кўрса-тишнинг маъмурий регламентини тасдиқласин».

7-банднинг олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2020 йил 1 январдан бошлаб баҳолаш ҳақида ҳисоботнинг ҳаққоний-лигини экспертиза қилиш учун фақат биринчи ёки олий тоифа баҳоловчи-лар жалб этилиши мумкин».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 январдаги «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ–4118-сон қарори 1-иловасининг изоҳи чиқариб ташлансин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БҮЙРУҒИ

485 Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1929-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ–542-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 27 мартдаги 80-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 1929, 2009 йил 27 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 13-сон, 153-модда) билан тасдиқланган Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига «суриштирув, дастлабки тергов органларида» деган сўзлар «терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларда, суриштирув, дастлабки тергов органларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 1 июлда эълон қилинган.

6. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 июль,
273-мх-сон

Келишилган:

Адвокатлар палатаси раиси

А. ЭРНАЗАРОВ

2019 йил 28 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

486 Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (12-сонли БҲС) «Қурилишга оид шартномалар»ни тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3170

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва бюджет ҳисобини давлат секторида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари билан мувофиқлаштириш мақсадида буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (12-сонли БҲС) «Қурилишга оид шартномалар» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ 2020 йил 1 январдан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 май,
62-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 1 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 27 майдаги
62-сон буйруғига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (12-сонли БҲС) «Қурилишга оид шартномалар»

Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (12-сонли БҲС) «Қурилишга оид шартномалар» (бундан буён матнда Стандарт деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг (бундан буён ташкилотлар деб юритилади) қурилишга оид шартномалар бўйича даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Стандартда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

қурилишга оид шартнома (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) — алоҳида объект (кўприк, бино, тўғон, қувур, йўл, кема ёки туннеллар ва бошқалар) ёки тузилиши, технологиялари, функциялари ёхуд якуний фойдаланилиши бўйича ўзаро боғлиқ бўлган объектлар комплексини қуриш учун тузиладиган келишув;

пудратчи — қурилишга оид шартнома шартлари бўйича ишларни амалга оширувчи субъект;

якунланиш фоизи услуги — шартнома бўйича ишларни уларнинг бажарилган фоизини ҳисоблаш асосида даромад ва харажатларни тан олиш услуги.

2. Шартнома қуйидаги турларда тузилади:

объектларни қуриш билан боғлиқ бўлган хизматларни кўрсатиш бўйича шартномалар (мисол учун, қуриладиган объект лойиҳасини тузиш, экспертизадан ўтказиш ва бошқалар);

объектларни қуриш, бузиш, қайта тиклаш ва улар бузилганидан кейин атроф-муҳитни қайта тиклаш бўйича шартномалар.

2-боб. Шартномалар бўйича даромадлар

3. Шартномалар бўйича даромадларга қуйидагилар киради:

даромаднинг шартномада келишилган дастлабки қиймати;
шартнома бўйича ишларнинг ўзгаришидан олинган даромад.

4. Шартномадан олинадиган даромад ҳақиқий қиймат бўйича аниқланади. Шартнома бўйича тушадиган даромадларни баҳолашга келажакда содир этиладиган ҳодисалар таъсир кўрсатиши мумкин.

Шартномада даромаднинг дастлабки қиймати кўрсатилмаслиги мумкин, бунда у шартноманинг умумий муддати давомида кутилаётган харажатлар асосида баҳоланади.

5. Шартнома бўйича даромад суммаси бир ҳисобот давридан бошқасига ўтганда кўпайиши ёки камайиши мумкин (масалан, шартнома бўйича даромад суммаси пудратчи томонидан шартнома талаблари бажарилишининг кечикиши натижасида жарима санкциялари қўлланилганда).

6. Шартнома бўйича ишларга ўзгаришлар киритилиши шартнома бўйича даромадларнинг кўпайиши ёки камайишига олиб келиши мумкин (масалан, объект тузилиши ёки хусусиятидаги ўзгаришлар ёхуд шартнома муддатининг ўзгариши).

3-боб. Шартномалар бўйича харажатлар

7. Шартномалар бўйича харажатларга қуйидагилар кирази:
шартнома билан бевосита боғлиқ харажатлар;
шартномага тааллуқли бўлган рационал ва тизимли асосда шартнома бўйича тақсимланадиган харажатлар;

шартномага асосан қопланиши лозим бўлган бошқа харажатлар.

8. Шартнома билан бевосита боғлиқ харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

қурилиш майдонидаги ишчиларнинг ва тартибни назорат қилиш бўйича ходимларнинг иш ҳақи;

қурилиш давомида зарур бўлган қурилиш материаллари қиймати;
шартномани бажаришда фойдаланилган асосий воситаларнинг эскириши;
машина, жиҳозлар ва материалларни қурилиш майдонига ва у ердан кўчириш харажатлари;

машина ва жиҳозларни ижараси билан боғлиқ харажатлар;

шартнома билан бевосита боғлиқ бўлган муҳандислик ва техник харажатлари;

хатоларни тўғрилаш ва кафолат ишларини бажаришни баҳолаш харажатлари, шунингдек кафолат харажатлари.

Мазкур харажатлар шартнома бўйича умумий даромадларга киритилмаган қўшимча даромадлар ҳисобидан камайтирилиши мумкин (масалан, шартнома тугагандан сўнг ортиб қолган материалларни сотишдан тушган даромадлар).

9. Шартномага тааллуқли бўлган рационал ва тизимли асосда шартнома бўйича тақсимланадиган харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

суғурта тўловлари;

шартнома билан бевосита боғлиқ бўлмаган муҳандислик ва техник кўмак харажатлари;

қурилиш бўйича қўшимча харажатлар (масалан, қурилиш ишчилари иш ҳақи бўйича маълумотларни тайёрлаш ва қайта ишлаш харажатлари).

10. Шартномада белгиланган ҳолларда буюртмачининг харажатларига умумий бошқарув харажатларининг қисми ҳамда тадқиқот ва ишлаб чиқиш

харажатлари кириши мумкин, бунда ушбу харажатларнинг қопланиши шартномада белгиланади.

11. Шартномага ва пудратчининг шартнома бўйича бажарадиган ишига тегишли бўлмаган харажатлар шартнома бўйича харажатлар таркибига киритилмайди. Бундай харажатларга қуйидагилар киради:

қопланиши шартномада белгиланмаган умумий бошқарув ҳамда тадқиқот ва ишлаб чиқиш харажатлари;

реализация қилиш бўйича харажатлар;

шартнома бўйича фойдаланилмаётган ва эскирган машина ҳамда жиҳозларни ҳисобдан чиқариш бўйича харажатлар.

12. Шартнома бўйича харажатлар шартноманинг имзоланган кунидан унинг якунлангунга қадар киритиладиган харажатларни ўз ичига олади.

Агар улар алоҳида белгиланса ва ишончли ҳисобланса ҳамда шартноманинг бажарилиш эҳтимоли мавжуд бўлса, шартномага бевосита боғлиқ бўлган ва унинг тузилишини таъминлашга қаратилган харажатлар ҳам шартнома бўйича харажатлар қисмига киритилади.

Шартнома тузилишини таъминлашга ўтказилган харажатлар юзага келган пайтда харажат сифатида тан олинади, агар кейинги ҳисобот даврида юзага келган бўлса, улар шартнома бўйича харажатлар таркибига киритилмайди.

4-боб. Шартномаларни бирлаштириш ва ажратиш

13. Шартнома бир неча объектларнинг қурилишини ўз ичига олиши мумкин. Бироқ, ҳар бир объектни қуриш бўйича даромадлар ва харажатларни аниқлаш имконияти бўлганда, улар алоҳида шартнома деб ҳисобланади.

14. Шартнома буюртмачининг хоҳишига қараб қўшимча объект қурилишини кўзда тутиши ёки қўшимча объект қурилиши билан тўлдирилиши мумкин. Қўшимча объектнинг қурилиши қуйидаги ҳолларда алоҳида шартнома деб ҳисобланади:

объект дастлабки шартномада белгиланган объект ёки объектлардан тузилиши, технологияси ёки функцияси бўйича тубдан фарқ қилганда;

қўшимча объектни қуриш нархи дастлабки шартнома қийматини ҳисобга олмаган ҳолда келишилганда.

15. Шартномалар жамланмаса қуйидаги ҳолларда ягона шартнома сифатида ҳисобга олиниши керак:

жамланган шартномалар асосида ягона объект қурилаётган бўлса;

шартномалар ўзаро боғлиқ бўлганда, улар ягона лойиҳа қисмини ва умумий фойда нормасини акс эттирган ҳолларда;

шартномалар бир вақтда ёки узлуксиз кетма-кетликда амалга оширилса.

5-боб. Шартнома бўйича даромад ва харажатларнинг тан олиниши

16. Шартнома натижаси ишончли баҳоланганда, ҳисобот санасига шарт-

нома бўйича ишларнинг якунланиши натижасида даромад ва харажатлар тан олинади.

17. Якунланиш фоизи услуги бўйича даромадлар харажатларга боғлиқ бўлади ва ҳисоботда ишларнинг якунланган қисми бўйича даромад, харажат ва фойда ёки зарар тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади.

Мазкур услубга мувофиқ шартнома бўйича даромад ва харажатлар ҳисобот давридаги молиявий фаолият натижалари бўйича даромад ва харажатлар сифатида тан олинади.

18. Шартнома натижаси ташкилот томонидан шартнома билан боғлиқ иқтисодий наф ёки хизмат кўрсатиш салоҳиятини олиш эҳтимоли мавжуд бўлганда, ишончли баҳоланади. Бунда, шартнома қуйидагиларни назарда тутиши лозим:

харажатларни қоплаш бўйича талаблар;

ҳисоб-китоб манбалари ва шартлари.

Ташкилотларда ички молиявий ресурслари ва ҳисоботлари мавжуд бўлганда ҳамда шартнома бўйича даромад ва харажатлар кузатиб борилганда шартнома натижаси ишончли баҳоланиши талаб этилмайди.

19. Шартноманинг бажарилиш даражаси ташкилот томонидан қуйидагилар асосида баҳоланади:

ҳисобот даврида ишларни бажариш учун умумий харажатлар;

бажарилган ишлар тўғрисида ҳисобот.

20. Шартнома харажатлари қурилиш ишларининг бажарилиши якунланиш фоизи услуги орқали ҳисобланса, харажат деб ҳисобот даврида аниқ бажарилган ишлар бўйича харажатлар тан олинади.

21. Шартнома бўйича харажатлардан қуйидагилар чиқарилади:

шартнома бўйича ишларни бажаришда фойдаланилмасдан қолдирилган материаллар қиймати;

ёрдамчи пудратчиларга аванс тўловлари.

22. Шартнома натижасини ишончли баҳолаш имконияти мавжуд бўлмаганда:

даромад шартнома бўйича харажатлар қай даражада киритилган бўлса шу даражада тан олинishi керак;

шартнома бўйича харажатлар улар юзага келган ҳисобот давридаги харажат сифатида тан олинishi зарур.

23. Шартнома бўйича даромад харажатларнинг қопланишигача тан олинади. Шартнома бажарилиши натижаси ишончли баҳоланмаганда, даромад ва харажат тан олинмайди.

Шартнома бўйича харажатларнинг даромадлардан ошиши унинг натижаси ишончли баҳоланмаслигига олиб келади.

24. Шартнома бўйича харажатларнинг иштирокчилар томонидан қопланиши эҳтимоли паст бўлса, улар харажатлар сифатида тан олинади. Бундай тан олиш:

бажарилиши кутилаётган ишлар суд қарори ёки қонун ҳужжатлари натижасига боғлиқ бўлганда;

суд қарори бўйича жавобгарликка тортиладиган мулкка тегишли бўлганда;

буюртмачи ёки пудратчи ўзининг шартнома мажбуриятларини бажара олмаганда юзага келади.

6-боб. Кутилаётган зарарларни тан олиш

25. Шартнома бўйича харажатлар даромаддан ошганда, ушбу зарар харажат сифатида тан олинади.

26. Ташкилот қурилишга кетадиган харажатлар учинчи томондан қопланишини назарда тутувчи шартнома тузишлари мумкин (масалан, ташкилотлар хусусий сектор субъектлари билан қурилиш бўйича харажатларни тўлиқ қоплаш тўғрисида шартнома тузганда).

27. Ёрдамчи пудратчиларга ўтказилган тўловлар шартнома бўйича даромадлардан ортганда, ушбу зарар харажат сифатида тан олинади.

28. Мазкур зарарнинг харажат сифатида тан олиниши қуйидагилардан мустақил тарзда белгиланади:

шартнома бўйича ишнинг бошланган ёки бошланмаганлигидан;

шартнома бўйича ишнинг бажарилиш даражасидан;

шартнома сифатида ҳисобланмайдиган, бошқа тижорат шартномасининг кутилаётган фойда миқдоридан.

7-боб. Ахборотларни очиб бериш

29. Ташкилотлар қуйидаги ахборотларни очиб бериши керак:
шартнома бўйича даромад сифатида тан олинган даромад суммасини;
шартнома шартларининг бажарилиши даражаси аниқланганлиги тўғрисидаги маълумотни.

30. Ҳисобот санасида бажарилиш жараёнидаги шартномалар учун ташкилотлар қуйидагиларни очиб бериши керак:

ҳисобот санасига амалга оширилган харажатлар ва тан олинган даромадни (тан олинган зарарни айирган ҳолда);

олинган аванслар суммасини;

ушлаб қолинган маблағлар суммасини.

31. Ушлаб қолинган маблағлар узоқ муддатли шартнома бўйича оралиқ ҳисобдаги суммалар ҳисобланиб, шартномада кўрсатилган шартлар бажарилишигача ёки камчиликлар бартараф этилмагунча тўланмайди.

Узоқ муддатли шартномалар бўйича оралиқ ҳисоблар буюртмачи томонидан тўланган ёки тўланмаганлигидан қатъи назар, шартномадаги ишлар учун шартнома бўйича даромадлар суммасини назарда тутди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**487 Суғурталовчининг муваққат маъмурияти тўғрисида-
ги низомнинг 17-бандига ўзгартириш киритиш
ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2058-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низом ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 20 ноябрдаги 108-сон буйруғи (рўйхат рақами 2058, 2009 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 582-модда) билан тасдиқланган Суғурталовчининг муваққат маъмурияти тўғрисидаги низомнинг 17-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«17. Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг ҳисоботи уч нусхада тузилади (Молия вазирлиги, суғурталовчини тугатиш тўғрисидаги Молия вазирлигининг аризаси йўлланган суд ва суғурталовчи учун биттадан), суғурталовчи муваққат маъмуриятининг барча аъзолари томонидан имзоланади, суғурталовчининг муваққат маъмурияти раҳбарининг имзоси билан тасдиқланади. Суғурталовчининг муваққат маъмурияти ҳисоботининг варақлари рақамланган ва тикилган бўлиши лозим.».

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 июнь,
76-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 1 июлда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**488 Қайта суғурта қилиш хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2190-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низом ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 27 декабрдаги 111-сон буйруғи (рўйхат рақами 2190, 2011 йил 29 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 4-5-сон, 46-модда) билан тасдиқланган Қайта суғурта қилиш хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомнинг 8-банди йигирма иккинчи хатбошисидан «томонларнинг муҳрлари билан тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 июнь,
75-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 1 июлда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**489 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро
этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш
ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-5*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 мартдаги ЎРҚ-530-сон «Маҳкумларнинг ҳамда қамокда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, 2019 йил 2 апрелдаги ЎРҚ-532-сон «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги қонунларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2018 йил 10 декабрдаги ПҚ-4056-сон «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сон буйруғи (рўйхат рақами 2495, 2013 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 414-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 июнь,
156-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 1 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2019 йил 13 июндаги
156-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш
муассасаларининг ички тартиб қоидаларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 69-банд қуйидаги мазмундаги тўққизинчи — ўн биринчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«об-ҳаво шароити йўл қўйса, ишдан бўш вақтида тоза ҳавода жисмоний машқлар билан шуғулланиш;

ЖИЭМнинг психологик хизмат кўрсатиш ходимлари томонидан кўрсатиладиган психологик ёрдамни олиш. Маҳкумларнинг психологик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларда иштирок этиши фақат уларнинг розилиги билан амалга оширилади;

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ хавфсиз меҳнат шароитига эга бўлиш, дам олиш, таътилга чиқиш, шунингдек меҳнатига ҳақ тўланиши.».

2. 89-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«89. Шикоятларни кўриб чиқиш, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текшириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ЖИЭМларга монеликсиз кириш ҳуқуқига эга.».

3. Қуйидаги мазмундаги 89¹-банд билан тўлдирилсин:

«89¹. ЖИЭМ маъмурияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсман) маҳкумлар билан монеликсиз ва холи учрашиш ҳамда суҳбатлашиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши шарт, учрашув ва суҳбат ЖИЭМ ходимлари уларни кўриб турадиган, лекин эшитмайдиган шароитларда холи ўтказилади.».

4. 241-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Маҳкумларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсман) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг номига юборилган мурожаатлари муассаса маъмурияти томонидан кўздан кечирилиши мумкин эмас ҳамда йигирма тўрт соатдан кечиктирмай тегишли вакилга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича

вакили (омбудсман) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг жавоби кўздан кечирилиши мумкин эмас ҳамда аризачига дарҳол етказиб берилади.

Прокурор номига йўлланган таклиф, ариза ва шикоятлар кўздан кечирилмайди ҳамда бир суткалик муддат ичида тегишлилиги бўйича жўнатилади.».

5. Қуйидаги мазмундаги 290¹-банд билан тўлдирилсин:

«290¹. Маҳкум оғир касалликка чалинган тақдирда, телефон орқали қўшимча сўзлашишга, шунингдек шифокорнинг рухсати билан қўшимча учрашувга рухсат берилади.».

6. 361-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«361. Маҳкумлар сақлаш шароитига қараб умумий турар жойларда, хоналарда ёки камераларда яшайди, ушбу турар жойлар, хоналар ёки камералар белгиланган тартибда тасдиқланган санитария-гигиена ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларига мос келиши керак.

Йилнинг қиш мавсумида ЖИЭМларнинг турар жойларида ҳаво ҳарорати 20° С даражадан паст бўлмаслиги лозим.».

7. Қуйидаги мазмундаги 372¹-банд билан тўлдирилсин:

«372¹. Маҳкум ЖИЭМга қабул қилиш чоғида, жазони ўташ пайтида вақти-вақти билан, бироқ олти ойда камида бир марта, шунингдек мурожаатларга кўра тиббий кўрикдан ўтказилади. Тиббий текширувдан ўтказиш махфийлик шартлари асосида амалга оширилади.

Маҳкум ЖИЭМга қабул қилингандан кейин ўн беш кун ичида у билан суҳбат ўтказилади, маҳкум ЖИЭМнинг карантин хоналарида тиббий кўрикдан ва санитария-гигиена тадбирларидан ўтади.».

8. Қуйидаги мазмундаги 374¹ — 374⁴-бандлар билан тўлдирилсин:

«374¹. ЖИЭМ маъмурияти маҳкумлар ЖИЭМга қабул қилинаётганда ҳам, шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож бўлганда ҳам тиббиёт ходимлари ушбу шахсларнинг ёнига зудлик билан киришини таъминлаши керак.

374². Шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлганда маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий муассасаларига жойлаштирилади.

374³. Ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож бўлган маҳкумлар даволаш муассасаси ҳуқуқига эга бўлган колонияларга ёки маҳкумлар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган касалхоналарга юборилади, шунингдек улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий муассасаларига жойлаштирилиши мумкин.

374⁴. Маҳкум оғир касалликка чалинган тақдирда, ЖИЭМ маъмурияти маҳкумнинг розилиги билан унинг яқин қариндошларига ёки маҳкумнинг ўзи кўрсатган бошқа шахсларга бу ҳақда дарҳол хабар беради.».

9. Қуйидаги мазмундаги 396¹-банд билан тўлдирилсин:

«396¹. Тарбиявий ишлар босқичма-босқич равишда қуйидагича амалга оширилади:

маҳкум ЖИЭМга келган вақтда унинг психологик қиёфасини, тузалиш

йўлига ўтишга мойиллигини аниқлаш мақсадида уни дастлабки тарзда ўрганиш;

маҳкумларнинг онгини ўзгартириш бўйича тадбирлар ўтказиш, уларда содир этган жиноятдан пушаймон бўлиш хиссини уйғотиш;

маҳкумларнинг талаб мавжуд бўлган касблар ва мутахассисликларга оид касбий таълимини ташкил этиш, ўқишни тугаллаганидан сўнг тегишли ҳужжат бериш ҳамда уларни кейинчалик ишга жойлаштириш.».

10. 437-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«437. Маҳкумлар қуйидаги ҳолларда интизомий жавобгарликка тортилмайдилар:

меҳнат нормаларини бажармаганлиги учун, агар бу ишни рад қилиш ёки ишдан бўйин товлаш оқибати бўлмаса;

маҳкум руҳий ҳолати бузилишининг бевосита оқибати ҳисобланган бирор-бир қоидабузарлиги учун.».

11. 441-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«441. Интизомий жазо қўллаш чоғида ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолат, маҳкумнинг хулқ-атвори ва шахсий хислатлари, унинг хулқ-атвори ва қоидабузарлик ёки қилмиш содир этишга таъсир қилиши мумкин бўлган, интизомий чоралар қўллаш учун сабаб бўлган руҳий ҳолати бузилишининг мавжудлиги, шунингдек олиб ташланмаган ва бекор бўлмаган интизомий жазолари бор-йўқлиги интизомий жазони қўллаш чоғида инобатга олинади.».

12. 500-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«500. ЖИЭМ маъмурияти айни бир вақтда устидан ички ишлар органларининг маъмурий назорати ўрнатилиши зарур бўлган шахсларни аниқлайди ва Ўзбекистон Республикасининг «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда судга тегишли тақдимнома киритади.».

13. 504-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«маъмурий назорат ўрнатилган шахсни ЖИЭМдан озод қилишдан олдин у танлаган яшаш жойидаги ички ишлар органига суднинг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорини ушбу шахс етиб борадиган вақт тўғрисида ёзма равишда хабар қилган ҳолда юборади.».

14. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Олий суди билан келишилган.

Бош прокурор

О. МУРОДОВ

2019 йил 13 июнь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2019 йил 13 июнь

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Ш. КУДБИЕВ

2019 йил 13 июнь

Олий суд раиси

К. КАМИЛОВ

2019 йил 13 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

490 Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-11*

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ–542-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюрман:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори-нинг 2011 йил 22 февралдаги 1-ю-сон буйруғи (рўйхат рақами 2219, 2011 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 16-сон, 167-модда) билан тасдиқланган Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 1 июлда эълон қилинган.

Ўзгартиришларнинг 1, 2 ва 4-бандлари 2019 йил 1 сентябрдан кучга киради.

Вазир

Ш. САДИКОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 июнь,
199-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирининг 2019 йил
20 июндаги 199-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 97-банддаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 100-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошисидаги «энг кам иш ҳақи миқдорининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 101-банддаги «Давлат ветеринария қўмитаси» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 107-банднинг «а» ва «б» кичик бандларидаги ҳамда 125-банднинг «а» ва «б» кичик бандларидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 3-илованинг 3-банди «в» кичик бандида:

иккинчи хатбошидаги «Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар «Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошининг ўзбекча матнидаги «идоралари» деган сўз «органлари» деган сўз билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «Давлат ветеринария қўмитаси» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БҒЙРУҒИ

491 «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш), юридик шахсларга хорижий ишчи кучини жалб қилиш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) ва хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалари бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) учун тарифларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1398-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 мартдаги 244-сон «Ўзбекистон Республикасига хориждан ишчи кучини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2004 йил 4 августдаги 81-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш), юридик шахсларга хорижий ишчи кучини жалб қилиш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) ва хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалари бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) учун тарифларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1398, 2004 йил 16 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 33-сон, 377-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 июнь,
27-2019-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 1 июлда эълон қилинган.

Келишилган:

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2019 йил 24 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**492 Ички ишлар органлари ходимларини терроризмга ва
жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавф-
сизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жаро-
ҳати туфайли ногирон бўлиб қолган деб топиш тартиби тўғри-
сидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3171*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 май-
даги 375-сон «Ички ишлар органлари ходимлари фарзандларининг давлат
олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазир-
лиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўми-
тасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун
тавсиянома (тақдимнома) бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазир-
лиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ички ишлар органлари ходимларини терроризмга ва жиноятчилик-
ка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок
бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган деб топиш тар-
тиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 1 июлда
эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 июль,
52ҚҚ-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 1 июль,
86-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг 2019 йил 1 июлдаги
52ҚҚ, 86-сон қарорига
ИЛОВА

**Ички ишлар органлари ходимларини терроризмга ва
жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини
таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли
ногирон бўлиб қолган деб топиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 майдаги 375-сон «Ички ишлар органлари ходимлари фарзандларининг давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ ички ишлар органлари ходимлари терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган (бундан буён матнда ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган деб юритилади) деб топиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ички ишлар органлари ходимлари хизмат мажбуриятини бажариш вақтида («Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддаси) ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган бўлса, бироқ

уларнинг ҳалок бўлиши ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолиши терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлмаса, мазкур Низом талаблари уларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ички ишлар органлари ходимларини ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган деб топиш Ички ишлар органлари ходимларини терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган деб топиш бўйича махсус комиссия (бундан буён матнда Махсус комиссия деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

3. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) ўзларига тегишли ҳудуддаги ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган собиқ ходимлар ва уларнинг оила аъзолари (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари) ҳақидаги маълумотлар базасини юритади ва ундаги маълумотларни доимий равишда янгилаб боради.

2-боб. Махсус комиссияни тузиш

4. Махсус комиссия Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғи билан 7 кишидан кам бўлмаган тоқ сондан иборат таркибда тузилади.

5. Махсус комиссия Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари — Кадрлар бош бошқармаси бошлиғи, Ички ишлар вазирлиги Тиббиёт бошқармаси бошлиғи ва унинг ўринбосари, Ташкилий департамент бошлиғи, Ўз хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, Молия ва моддий техника бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари — Молия иқтисод бошқармаси бошлиғи, Юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи ва Ички ишлар вазирлигининг масъул ходимларидан иборат таркибда шакллантирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари — Кадрлар бош бошқармаси бошлиғи Махсус комиссия раиси ҳисобланади.

Ички ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармасининг масъул ходими Махсус комиссия котиби ҳисобланади.

7. Махсус комиссия ўз фаолиятини мазкур Низом ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

8. Махсус комиссия раиси:

Махсус комиссия фаолиятини ва унинг иш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

Махсус комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ўтказиладиган кун ва вақтни белгилайди;

Махсус комиссия мажлисларини ўтказади ва уларга раҳбарлик қилади.

9. Махсус комиссия раиси комиссия ишини ташкил қилиш ва унинг ўз вақтида, тўғри ва ҳаққоний ўтказилиши учун масъул ҳисобланади.

**3-боб. Ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли
ногирон бўлиб қолган собиқ ходимлар йиғма жилдини
шакллантириш**

10. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) ўзларига тегишли ҳудудда содир бўлган воқеада (ҳодисада) ички ишлар органи ходимининг ҳалок бўлиши ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолиши ҳолатлари кузатилганда ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган собиқ ходим ва унинг оила аъзолари ҳақидаги маълумотларни тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларига (бундан буён матнда ҳудудий ички ишлар органи деб юритилади) юборади.

11. Ҳудудий ички ишлар органи туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) томонидан тақдим этилган рўйхатда кўрсатилган, шунингдек ҳудудий ички ишлар органида мавжуд маълумотлар асосида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган собиқ ходимларнинг ҳар бири учун алоҳида йиғма жилд шакллантиради.

Йиғма жилд қуйидаги ҳужжатлардан ёки уларнинг нусхаларидан шакллантирилади:

содир бўлган воқеа (ҳодиса) юзасидан ўтказилган хизмат текшируви ҳулосаси;

содир бўлган воқеа (ҳодиса) бўйича тузилган далолатнома;

содир бўлган воқеа (ҳодиса) оқибатида жароҳат олган ходимнинг ушбу вақтдаги соғлиғи ҳолати тўғрисидаги ҳужжатлар;

суд-тиббий экспертиза ҳулосаси;

содир бўлган воқеа (ҳодиса) юз берган вақтда ходимнинг хизмат вазифаси ёки мажбуриятини бажариш билан боғлиқлигини тасдиқловчи ҳужжат (агар мавжуд бўлса);

содир бўлган воқеа (ҳодиса) юзасидан тергов органи ёки суднинг қарори (агар мавжуд бўлса);

тиббий кўрик натижалари бўйича Тиббий-меҳнат эксперт комиссиясининг ҳулосаси ҳамда ногиронлик тўғрисидаги маълумотнома;

ички ишлар органларидан хизматдан бўшатирилганлиги тўғрисидаги буйруқ кўчирмаси.

Йиғма жилдга содир бўлган воқеа (ҳодиса) билан боғлиқ ҳолатларни ифодаловчи бошқа ҳужжатлар ёки уларнинг нусхалари киритилиши мумкин.

Ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган собиқ ходим бўйича шакллантирилган йиғма жилддаги ҳужжатлар ёки уларнинг нусхалари тўғри ва тўлиқ шакллантирилганлиги бўйича масъулият мазкур йиғма жилдни шакллантирган ҳудудий ички ишлар органига юклатилади.

12. Ҳудудий ички ишлар органи ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган собиқ ходим бўйича шакллантирилган йиғ-

ма жилдларни ҳудудий ички ишлар органи бошлиғи, у бўлмаганда унинг вазифасини бажарувчи томонидан имзоланган хат билан Махсус комиссияга юборади.

4-боб. Махсус комиссия ишини ташкил этиш

13. Махсус комиссия котиби ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган собиқ ходимларнинг келиб тушган йиғма жилдларини қабул қилиб олади ва шу куннинг ўзида йиғма жилдларни рўйхатга олиш китобига тегишли ёзув киритиш орқали қайд қилади.

Йиғма жилдларни рўйхатга олиш китоби ип ўтказилиб тикилган, Ички ишлар вазирлиги Кадрлар бош бошқармасининг девонхонаси муҳри билан тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган бўлиши лозим.

14. Махсус комиссия котиби келиб тушган йиғма жилдлардаги ҳужжатларнинг тўлиқлигини ҳамда ундаги маълумотлар тўғри кўрсатилганлигини ўрганади.

15. Махсус комиссия котиби келиб тушган йиғма жилдлардаги ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ёки ундаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилмаганлигини аниқлаган ҳолларда йиғма жилдни юборган ҳудудий ички ишлар органидан қўшимча маълумотлар тақдим этилишини талаб қилади.

Махсус комиссия котиби томонидан талаб қилинган маълумотлар 10 кун ичида тақдим этилмаган тақдирда йиғма жилд тегишли ҳудудий ички ишлар органига қайтарилади.

16. Келиб тушган йиғма жилдлардаги ҳужжатлар тўлиқ ва ундаги маълумотлар тўғри кўрсатилган ҳолларда Махсус комиссия котиби ушбу йиғма жилдларни Махсус комиссиянинг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқиши учун ҳар бир йиғма жилд бўйича алоҳида Махсус комиссиянинг барча аъзолари сонига мутаносиб равишда қисқача маълумотнома тайёрлайди.

17. Ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган собиқ ходимларнинг йиғма жилдлари Кадрлар бош бошқармасида сақланади.

18. Махсус комиссия котиби ҳудудий ички ишлар органларидан юборилган йиғма жилдларни қабул қилиб олган куннинг ўзида бу ҳақда Махсус комиссия раисини хабардор қилади.

19. Махсус комиссия раиси собиқ ходимнинг ҳалок бўлиши ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолиши терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқлигини кўриб чиқиш мақсадида Махсус комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтадиган кун ва вақтни белгилайди.

Бунда йиғма жилдлар бир ёки бир нечта бўлишидан қатъи назар, улар Махсус комиссияга келиб тушган кундан бошлаб 30 кун ичида Махсус комиссия томонидан кўриб чиқиши шарт.

20. Махсус комиссия котиби комиссия йиғилиши ўтказиладиган кундан камида 3 кун олдин Махсус комиссиянинг барча аъзоларини комиссия йиғилиши ўтказиладиган кун ва вақт ҳақида хабардор қилади.

5-боб. Махсус комиссия йиғилишини ўтказиш

21. Махсус комиссия йиғилишида комиссия раиси, котиби ва унинг аъзоларидан бошқа шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди, Махсус комиссия раисининг рухсати билан комиссия йиғилишида кўрилатган масала юзасидан тегишли соҳа мутахассисларини жалб этиш ҳоллари бундан мустасно.

22. Махсус комиссия котиби йиғилишда кўриб чиқиш учун кун тартибига қўйилган собиқ ходимларнинг йиғма жилдлари асосида тайёрланган қисқача маълумотномани комиссиянинг барча аъзоларига бир нусхадан таркатади.

23. Махсус комиссия котиби ҳар бир йиғма жилд бўйича барча маълумотларни комиссия аъзоларига алоҳида ўқиб эшиттиради.

24. Махсус комиссия ҳар бир йиғма жилд орқали тақдим этилган маълумотларни ўрганган ҳолда уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида қарор қабул қилади.

25. Йиғма жилди тақдим этилган собиқ ходимни Махсус комиссия томонидан ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган деб топиш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

собиқ ходим терроризмга қарши курашиш билан боғлиқ тадбирлар ёхуд террористик актлар натижасида бевосита, шунингдек фаол ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлганлиги ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолганлиги ҳолати;

собиқ ходим жиноятчиликка қарши курашиш билан боғлиқ тадбирлар ёхуд фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи ҳаракатлар, шунингдек содир этилган жиноий ҳаракат натижасида бевосита, шунингдек фаол ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлганлиги ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолганлиги ҳолати;

собиқ ходим жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ тадбирлар, амалиётлар ёхуд жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи тажовузларни бартараф этиш натижасида бевосита, шунингдек фаол ҳаракатлари оқибатида ҳалок бўлганлиги ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолганлиги ҳолати.

26. Махсус комиссия йиғилишида кўриб чиқиладиган йиғма жилд материаллари мазкур Низомнинг 25-бандида назарда тутилган мезонларга мувофиқ бўлмаган ҳолларда собиқ ходимни терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган деб топишга йўл қўйилмайди.

27. Махсус комиссия томонидан тегишлилиги бўйича қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

собиқ ходим терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш (жамоат хавфсизлигини таъминлаш) чоғида ҳалок бўлган (олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган) деб топиш тўғрисида;

собиқ ходим терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш (жамоат

хавфсизлигини таъминлаш) билан боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ҳалок бўлган (олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган) деб топиш тўғрисида.

28. Махсус комиссия қарори комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Махсус комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

29. Махсус комиссия йиғилиши баённома билан расмийлаштирилади. Бунда комиссия мажлиси баённомаларини расмийлаштириш комиссия котиби томонидан амалга оширилади.

30. Махсус комиссия йиғилиши баённомаси комиссиянинг ҳар бир аъзоси томонидан имзоланади ҳамда тасдиқлаш учун комиссия раисига тақдим этилади.

31. Махсус комиссия котиби комиссия раиси томонидан тасдиқланган баённома нусхасини комиссия йиғилиши бўлиб ўтган кундан бошлаб 7 кун ичида йиғма жилдни юборган тегишли ҳудудий ички ишлар органига етказилишини таъминлайди.

32. Ҳудудий ички ишлар органи Махсус комиссия томонидан юборилган барча баённома нусхалари асосида терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш (жамоат хавфсизлигини таъминлаш) чоғида ҳалок бўлган (олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган) деб топилган собиқ ходимлар рўйхатини юритади ва ушбу рўйхатни доимий равишда янгилаб боради.

33. Ҳудудий ички ишлар органи Махсус комиссия қарорига асосан терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш (жамоат хавфсизлигини таъминлаш) чоғида ҳалок бўлган (олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган) деб топилган собиқ ходимнинг оила аъзоларини Махсус комиссия қарори ҳамда улар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар билан ёзма равишда таништиради.

34. Ҳудудий ички ишлар органлари ҳар чорак якуни бўйича чоракдан кейинги ойнинг 3 санасидан кечиктирмай ўзларига тегишли ҳудуддаги ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган собиқ ходимлар (уларнинг оила аъзолари) ҳақидаги маълумотларни хатловдан ўтказди ва хатлов натижасида аниқланган маълумотларни Махсус комиссияга тақдим этиб боради.

35. Терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш (жамоат хавфсизлигини таъминлаш) чоғида ҳалок бўлган (олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган) ходимлар фарзандларининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 майдаги 375-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органлари ходимлари фарзандларининг давлат олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитасининг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсиянома (тақдимнома) бериш тартиби тўғрисидаги низом асосида амалга оширилади.

Бунда терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш (жамоат хавфсизлигини таъминлаш) чоғида ҳалок бўлган (олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган) деб топилган ходимлар фарзандларининг рўйхати Махсус комиссия томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 майдаги 375-сон қарори билан тасдиқланган низомга асосан ташкил этилган комиссияга тақдим этиб борилади.

6-боб. Яқуний қоидалар

36. Манфаатдор шахслар сўровига кўра Махсус комиссия қарорининг тегишли қисмидан кўчирма берилиши мумкин.

37. Махсус комиссия қароридан норози бўлган шахслар судга мурожаат қилишлари мумкин.

38. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

493 Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/21-сон қарори (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь)

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 июлда эълон қилинган.

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.07.2018 й., 10/18/3028/1418-сон) билан тасдиқланган Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 июнь,
13/11-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
8 июндаги 13/11-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш,
нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга
доир йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 15-банддаги «Банк биносида жойлашмаган амалиёт (операцион) кассалардаги нақд пуллар» деган сўзлар «Амалиёт кассаларидаги нақд пуллар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 52-банднинг биринчи хатбошисидан иккинчи жумла чиқариб ташлансин.

3. 109-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«109. Мижознинг инкассация сумкасига (қопига) нақд пул тушумлари билан биргаликда тижорат банкларининг ҳисоб-китоб чеклари ҳам солинган бўлса, назоратчи ҳар бир ҳисоб-китоб чекининг тўғри расмийлаштирилганлигини (имзолар мавжудлигини, сўз ва рақам билан ёзилган суммаларнинг ўзаро мос келишини, уларни тўлов учун қабул қилинган хўжалик юритувчи субъектнинг масъул ходимининг имзоси мавжудлигини) текширган ҳолда кассирлардан қабул қилиб олиши керак.».

4. 126-бандда:

ўн тўртинчи хатбошида «кўк йўлли бўлиши шарт.» деган сўзлар «кўк йўлли;» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«100 000 сўмлик банкнотлар учун — эни 15 mm бўлган иккита тўқ жигарранг йўлли бўлиши шарт.».

ўн бешинчи хатбоши ўн олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5. 131-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«131. Пул дасталарини полиэтилен пакетларга жойлаштирилиш орқали банкнотлар боғлами шакллантирилганда, ҳар бир полиэтилен пакетга

10 та пул дастаси солиниб, пакетнинг очик томонини пайвандлаб, ёпиштириш учун пул боғламларини шакллантириш ускунасига жойланади. Бунда, пул боғламларини шакллантириш ускунаси қопқоғига ўрнатилган клишедаги банк реквизитлари полиэтилен пакетнинг очик тарафига автоматик тарзда босилади. Агар, банкнотлар боғламини шакллантиришда фойдаланиладиган полиэтилен пакет, иккита полиэтилен бўлақларини пайвандлаш орқали ишлаб чиқарилган бўлса, бундай ҳолларда пул боғламларини шакллантириш ускунаси қопқоғига ўрнатилган кассир клишесига банк реквизитлари полиэтилен пакетнинг иккала томонига ҳам босилиши лозим. Ҳар бир кассир ўзи санаган пулларнинг боғламини шакллантиришда, ўзига бириктирилган клишедан фойдаланиши шарт.».

6. 132-банднинг биринчи хатбошисидаги «ва 50 000» деган сўзлар «, 50 000 ва 100000» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 150-банднинг иккинчи хатбошисидаги «муҳри билан тасдиқланган» деган сўзлар «муҳри билан тасдиқланган (тадбиркорлик субъектларидан муҳр билан тасдиқлаш талаб этилмайди)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 9-бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«9-боб. Банк томонидан чакана амалиётлар ва банк
биносидан ташқарида жойлашган бошқа кассаларни
ташкил этиш тартиби».**

9. 154-банддаги «мижозларга» деган сўз «жисмоний шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 171-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«171. Банк томонидан хўжалик юритувчи субъект мурожаатига асосан томонлар ўртасида тузилган шартномага кўра, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳузурида белгиланган тартибда банк кассалари ташкил этилиши мумкин. Бунда, ушбу ташкил этилган кассаларда қандай касса хизматларини кўрсатилиши, банк ва хўжалик юритувчи субъект ўртасида имзоланган шартномага асосан белгилаб олинади. Банк биносидан ташқарида ташкил этилган битта касса орқали ҳам жисмоний шахсларга ҳам хўжалик юритувчи субъектларга касса хизматларини кўрсатиш тақиқланади.

Шунингдек, банкка тегишли мини-банк биносида ҳам барча зарурий шароитлар яратилган ҳамда хавфсизлик чоралари тўлиқ таъминланган бўлса, белгиланган тартибда кассалар ташкил этилиши ҳамда чакана амалиёт кассаси орқали жисмоний шахсларга ва мини-банк айланма кассаси орқали мини-банк мижозлари бўлган хўжалик юритувчи субъектларга касса хизматлари кўрсатилиши мумкин.».

11. 193-банддан «тўртбурчак муҳр босилади ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

12. 242-банднинг биринчи хатбошидаги «суриштирув органлари» деган сўзлар «терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. Йўриқноманинг 8а-иловасидан «М.Ў.(топширувчининг муҳри)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

14. Йўриқноманинг 9-иловасидан «Нақд пул чекини тақдим этган мижознинг муҳри учун жой» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

15. Йўриқноманинг 12-иловасидаги «Жами бир кунда» ва «сўмлик қимматликлар чиқим қилинди» деган сўзлар тегишли равишда «Касса мудирига» ва «сўмлик қимматликлар топширилди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. Йўриқноманинг 25-иловасидаги «ва 50000» деган сўзлар «, 50000 ва 100000» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

494 Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2185-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ–5564-сон «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги ПК–3802-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 27 декабрдаги 108 ва 2010-52-сон қарори (рўйхат рақами 2185, 2011 йил 27 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й, 4-5-сон, 38-модда) билан тасдиқланган Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 июлда эълон қилинган.

тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 июнь,
68-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 июнь,
2019-38-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2019 йил 18 июндаги
68, 2019-38-сон қарорига
ИЛОВА

**Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг
филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари
ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва
тўлиқ ундирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 16⁸-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«кунлик ўртача нақд пул тушуми энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваридан ортиқ миқдорда бўлганда банк кассаларига инкассация хизматлари орқали ёки мустақил равишда кунлик топшириш;»;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«кунлик ўртача нақд пул тушуми энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваридан кам миқдорда бўлганда банк кассаларига инкассация хизматлари орқали ўзлари белгилаган даврларда ёки мустақил равишда топшириш;»

бешинчи — ўн биринчи хатбошилари тегишинча олтинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. 17-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқар-

маси ҳудудий бўлимлари» деган сўзлар «давлат солиқ хизмати органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 18-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш Бош бошқармаси ҳудудий бўлимининг» деган сўзлар «давлат солиқ хизмати органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 19-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармасининг ҳудудий бўлимлари» деган сўзлар «давлат солиқ хизмати органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат солиқ хизмати органларининг бириктирилган ходими маъмурият ходими билан биргаликда ҳар куни қўйидагиларни амалга оширади:».

5. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2019 йил 31 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

495 Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1602-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 3 июлда эълон қилинган.

15 июндаги 13/6-сон қарори (рўйхат рақами 1602, 2006 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 30-сон, 299-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 июнь,
13/12-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
8 июндаги 13/12-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида касса
амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 1, 2, 3², 3³, 42 ва 47-бандлардаги «10111 — «Банк биносида жойлашмаган амалиёт кассалардаги нақд пуллар» деган сўзлар «10111 — «Амалиёт кассаларидаги нақд пуллар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2-банддаги «16309 — «Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар» деган сўзлар 16309 — «Кредитлар бўйича олинган лозим бўлган ҳисобланган фоизлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 3 ва 3¹-бандлардаги «10111 — «Банк биносида жойлашмаган амалиёт (операцион) кассалардаги нақд пуллар» деган сўзлар «10111 — Амалиёт кассаларидаги нақд пуллар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Қуйидаги мазмундаги 41¹ — 41⁴-бандлар билан тўлдирилсин:

«41¹. Автоматлаштирилган депозит машинаси ёрдамида Online-инкассация операциялари амалга оширилганда:

а) агар мижозга ушбу банк филиалида хизмат кўрсатилса:

Дебет 10107 — «Банкоматлардаги нақд пуллар»

Кредит 202XX — «Талаб қилиб олинган депозитлар»

Кредит 45294 — «Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар» (шартномада назарда тутилган ҳолатларда)

б) агар мижозга ушбу банкнинг бошқа филиалида хизмат кўрсатилса:

Дебет 10107 — «Банкоматлардаги нақд пуллар»

Кредит 29804 — «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари»

Кредит 45294 — «Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар» (шартномада назарда тутилган ҳолатларда)

Дебет 29804 — «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари»

Кредит 202XX — «Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар»

в) агар мижозга бошқа банк филиалида хизмат кўрсатилса:

Дебет 10107 — «Банкоматлардаги нақд пуллар»

Кредит 29804 — «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари»

Кредит 45294 — «Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар» (шартномада назарда тутилган ҳолатларда)

Дебет 29804 — «Бошқа банк мижозларининг инкассо қилинган пул тушумлари ва чеклари»

Кредит 202XX — «Талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар».

41². Автоматлаштирилган депозит машинаси ёрдамида жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги пластик карталарига нақд пуллар кирим қилинганда:

а) агар мижозга ушбу банк филиалида хизмат кўрсатилса:

Дебет 10107 — «Банкоматлардаги нақд пуллар»

Кредит 23116 — «Нақд пуллар бўйича жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлар»

Кредит 45294 — «Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар» (шартномада назарда тутилган ҳолатларда)

Дебет 23116 — «Нақд пуллар бўйича жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлар»

Кредит 22617 — «Пенсионерларнинг пластик карталари бўйича мажбуриятлар» ёки 22618 — «Жисмоний шахсларнинг пластик карталари бўйича мажбуриятлар»

б) агар мижозга ушбу банкнинг бошқа филиалида хизмат кўрсатилса:

Дебет 10107 — «Банкоматлардаги нақд пуллар»

Кредит 22214 — «Бош офис/филиалларга пластик карталардан амалга оширилган тўловлар бўйича тўланадиган маблағлар»

Кредит 45294 — «Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар» (шартномада назарда тутилган ҳолатларда)

Дебет 16113 — «Бош офис/филиалдан пластик карталардан амалга оширилган тўловлар бўйича олиниши лозим бўлган маблағлар»

Кредит 23116 — «Нақд пуллар бўйича жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлар»

Дебет 23116 — «Нақд пуллар бўйича жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлар»

Кредит 22617 — «Пенсионерларнинг пластик карталари бўйича маж-

буриятлар» ёки 22618 — «Жисмоний шахсларнинг пластик карталари бўйича мажбуриятлар»

Дебет 22214 — «Бош офис/филиалларга пластик карталардан амалга оширилган тўловлар бўйича тўланадиган маблағлар»

Кредит 16113 — «Бош офис/филиалдан пластик карталардан амалга оширилган тўловлар бўйича олиниши лозим бўлган маблағлар»

в) агар мижозга бошқа банк филиалида хизмат кўрсатилса:

Дебет 10107 — «Банкоматлардаги нақд пуллар»

Кредит 21014 — «Пластик карталардан амалга оширилган тўловлар бўйича бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган маблағлар»

Кредит 45294 — «Бошқа кўрсатилган хизматлар ва воситачилик учун олинган даромадлар» (шартномада назарда тутилган ҳолатларда)

Дебет 10513 — «Пластик карталардан амалга оширилган тўловлар бўйича бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар»

Кредит 23116 — «Нақд пуллар бўйича жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлар»

Дебет 23116 — «Нақд пуллар бўйича жисмоний шахсларнинг пластик карталарига ўтказилиши лозим бўлган маблағлари бўйича транзит ҳисобварақлар»

Кредит 22617 — «Пенсионерларнинг пластик карталари бўйича мажбуриятлар» ёки 22618 — «Жисмоний шахсларнинг пластик карталари бўйича мажбуриятлар»

Дебет 21014 — «Пластик карталардан амалга оширилган тўловлар бўйича бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган маблағлар»

Кредит 10513 — «Пластик карталардан амалга оширилган тўловлар бўйича бошқа банклардан олиниши лозим бўлган маблағлар».

41³. Автоматлаштирилган депозит машинаси ёрдамида жисмоний шахсларнинг кредитлари тўланганда:

а) агар мижозга ушбу банк филиалида хизмат кўрсатилса:

Дебет 10107 — «Банкоматлардаги нақд пуллар»

Кредит 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ёки 22812 — «Келгуси давр фоизли даромадлари»

Дебет 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар»

Кредит мижознинг ссуда ҳисобварағи ёки 16309 — «Кредитлар бўйича олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар» ёхуд 16377 — «Шартнома бўйича ҳисоблаб ёзилган, бироқ муддатида тўланмаган олиниши лозим бўлган фоизлар»

Дебет 22812 — «Келгуси давр фоизли даромадлари»

Кредит 4XXXX — Тегишли даромадлар ҳисобварағи

б) агар мижозга ушбу банкнинг бошқа филиалида хизмат кўрсатилса:

Дебет 10107 — «Банкоматлардаги нақд пуллар»

Кредит 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар»

Дебет 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар»

Кредит 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» (кредит олинган филиал)

Дебет 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» (кредит олинган филиал)

Кредит мижознинг ссуда ҳисобварағи ёки 16309 — «Кредитлар бўйича олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар» ёхуд 16377 — «Шартнома бўйича ҳисоблаб ёзилган, бироқ муддатида тўланмаган олиниши лозим бўлган фоизлар» ёки 22812 — «Келгуси давр фоизли даромадлари»

Дебет 22812 — «Келгуси давр фоизли даромадлари»

Кредит 4XXXX — Тегишли даромадлар ҳисобварағи.

41⁴. Автоматлаштирилган депозит машинаси ёрдамида бошқа тўловлар амалга оширилса:

Дебет 10107 — «Банкоматлардаги нақд пуллар»

Кредит 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар»

Дебет 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар»

Кредит Тўловларни олувчиларнинг ҳисобварақлари.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

496 Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
4 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1697-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 9 июндаги 17/2-сон қарори (рўйхат рақами 1697, 2007 йил 18 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 29-30-сон, 308-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан ёш оилалар-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 июлда эълон қилинган.

га имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2019 йил 1 сентябрдан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 июнь,
14/17-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
22 июндаги 14/17-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли
асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2. 12-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**497 Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар
киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
4 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 майдаги ПК-4302-сон «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 185-сон буйруғи (рўйхат рақами 3016, 2018 йил 26 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 22-сон, 458-модда) билан тасдиқланган Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 июнь,
79-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 26 июндаги
79-сон буйруғига
ИЛОВА

**Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
қўшимчалар**

1. Қуйидаги мазмундаги 87¹-банд билан тўлдирилсин:

«87¹. Уч ёки ундан ортиқ танлов иштирокчилари — маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда давлат харидлари буюртмачининг танловига қўра маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида амалга оширилиши мумкин.».

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 июлда эълон қилинган.

2. Қуйидаги мазмундаги 164¹-банд билан тўлдирилсин:

«164¹. Уч ёки ундан ортиқ тендер иштирокчилари — маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда давлат харидлари буюртмачининг танлови-га кўра маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида амалга оширилиши мумкин.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

498 «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3022-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 7 мартдаги ПҚ–4231-сон «Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 8 июндаги 20/1-сон қарори (рўйхат рақами 3022, 2018 йил 9 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.06.2018 й., 10/18/3021/1333-сон) билан тасдиқланган «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 июлда эълон қилинган.

Ўзгартиришлар ва қўшимчанинг 1-банди саккизинчи хатбошиси, 2 ва 3-бандлари 2019 йил 1 сентябрдан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 июнь,
13/9-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
8 июндаги 13/9-сон қарорига
ИЛОВА

**«Хар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида
кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 1-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«худудий Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида, вилоят иқтисодиёт ва саноат, бандлик, молия, инвестиция, солиқ, статистика бўлинмалари, худудий Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши худудий бўлинмалари раҳбар ва ходимларидан иборат таркибда тузиладиган марказлар (бундан буён матнда Худудий марказлар деб юритилади);»;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи — саккизинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«туман (шаҳар) Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари — туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида, туман (шаҳар) иқтисодиёт ва саноат, бандлик, молия, инвестиция, солиқ, статистика бўлинмалари, туман Савдо-саноат палатаси бўлими, тижорат банклари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши туман бўлинмалари раҳбар ва ходимларидан иборат таркибда тузиладиган марказлар (бундан буён матнда туман (шаҳар) марказлари деб юритилади);

еттинчи хатбошидаги «энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача» ва «энг кам иш ҳақининг 1000 бараваригача» деган сўзлар тегишлича «базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваригача» ва «базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 15-банднинг биринчи хатбошисидаги «энг кам иш ҳақининг 150 бараваригача» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 16-банддаги «энг кам иш ҳақининг 1000 бараваридан ортиқ миқдорда йиллик 7 фоиз» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараваридан ортиқ миқдорда йиллик 8 фоиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 17-банддаги «худудий ишчи гуруҳлар» ва «ишчи гуруҳларнинг» деган сўзлар тегишлича «туман (шаҳар) марказлари» ва «туман (шаҳар) марказларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 18-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«18. Туман (шаҳар) марказларининг самарали лойиҳани амалга ошириш бўйича ҳулосаси Худудий марказларга имтиёзли кредит ажратиш учун қарор қабул қилишга тақдим этилади.».

6. 19-банддаги «Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар» ва «худудий ишчи гуруҳларнинг» деган сўзлар тегишлича «Худудий марказлар» ва «туман (шаҳар) марказларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 20-банддаги «Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар» деган сўзлар «Худудий марказлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 21-банддаги «Ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларнинг» деган сўзлар «Худудий марказларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 22 ва 26-бандлардаги «ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳларнинг» деган сўзлар «Худудий марказларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 25-банддаги «ташкилий мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлар» деган сўзлар «Худудий марказлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 32-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бунда, кредитлар товарлар (хизматлар) шартнома асосида келишилган нархда етказиб берилгандан (хизматлар кўрсатилгандан) ва лойиҳа эгаси ундан қаноатланиш ҳосил қилганидан сўнг ажратилади ва маҳсулот етказиб берувчи (хизмат кўрсатувчи)нинг ҳисобрақамига ўтказиб берилади.».

12. 33-банддаги «худудий ишчи гуруҳларнинг» деган сўзлар «туман (шаҳар) марказларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

499 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1165-9

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 27 июлдаги 222-В, 89, 2002-62-сон қарори (рўйхат рақами 1165, 2002 йил 12 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 15-16-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 июнь,
222-В-9-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 июнь,
80-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 июлда эълон қилинган.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 июнь,
2019-42-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви, Молия
вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг
2019 йил 22 июндаги 222-В-9, 80 ва
2019-42-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий
валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган қўшимчалар**

1. Қўйидаги мазмундаги «к²» кичик банд билан тўлдирилсин:

«к²) жисмоний шахс — норезидент томонидан ташқи савдо шартнома-
си бўйича дебитор қарздорликларни сўндириш учун;»

2. Қўйидаги мазмундаги 4¹-банд билан тўлдирилсин:

«4¹. Мазкур Низомнинг 1-банди «ж», «з», «к¹» ва «к²» кичик бандлари-
да назарда тутилган ҳолларда жисмоний шахс — норезидент томонидан
қўйидаги ҳужжатлардан бири тақдим этилганда нақд чет эл валютаси банк
кассасига қабул қилинади:

жисмоний шахс — норезидент томонидан нақд чет эл валютасини чет
элдан олиб келганлигини тасдиқловчи йўловчи божхона декларацияси;

маблағлар банкомат (терминал) орқали жисмоний шахс — норезидент-
нинг банк карталаридан ечилганлигини тасдиқловчи чеклар;

жисмоний шахс — норезидент номига унинг Ўзбекистон Республика-
си банкларида очилган ҳисобварақларига чет элдан келиб тушган маблағ-
ларнинг ечилганлигини тасдиқловчи банк маълумотномалари.

Нақд чет эл валютаси норезидент томонидан берилган ишончнома асо-
сида жисмоний шахс — резидентлардан қабул қилинганда, пул маблағла-
ри ушбу жисмоний шахс-резидент томонидан чет элдан олиб келганлиги-
ни тасдиқловчи йўловчи божхона декларациясининг тақдим этилиши маж-
бурий шarti бўлиб ҳисобланади.»

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 29 июндан 5 июлгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 1 июлдаги 273-мх-сон «Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1929-1.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 майдаги 62-сон «Ўзбекистон Республикаси Бюджет ҳисобининг стандарти (12-сон-ли БҲС) «Қурилишга оид шартномалар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3170.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 12 июндаги 76-сон «Суғурталовчининг муваққат маъмурияти тўғрисидаги низомнинг 17-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2058-1.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 12 июндаги 75-сон «Қайта суғурта қилиш хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2190-1.

5. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 13 июндаги 156-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-5.

6. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 20 июндаги 199-мх-сон «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-11.

7. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 24 июндаги 27-2019-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш), юридик шахсларга хорижий ишчи кучини жалб қилиш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) ва хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалари бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) учун тарифларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1398-1.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 1 июлдаги 52ҚҚ, 86-сон «Ички ишлар органлари ходимларини терроризмга ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган деб топиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 1 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3171.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/11-сон «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3028-2.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 18 июндаги 68, 2019-38-сон «Бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини ташкил этиш ва назоарт қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2185-2.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/12-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1602-3.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 22 июндаги 14/17-сон «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 4 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1697-5.

13. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 26 июндаги 79-сон «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 4 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016-2.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 8 июндаги 13/9-сон «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3022-2.

15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 22 июндаги 222-В-9, 80, 2019-42-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 5 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1165-9.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш), юридик шахсларга хорижий ишчи кучини жалб қилиш учун рухсатномалар бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) ва хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалари бериш (амал қилиш муддатини узайтириш) учун тарифларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1398, 2004 йил 16 август).

Адлия вазирининг 2019 йил 1 июлдаги 279-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.